

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

adolat_sdp@doda.uz • www.adolat.uz • №19 (824) • 2011 йил, 29 апрель, жума

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИНГ

қонуний асосларини такомиллаштириш — долзарб масала

...партия ўз сайловолди дастурида, аввало бошқарувда ошқоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш зарурлигини, хусусан, фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашинувини жаддаллаштириш лозимлигини илгари суриб келмоқда.

АЁЛЛАРГА ЭЪЗОЗ ЯРАШАР

5-бет

Партия ташкилотлари, айниқса «Аёллар» қаноти томонидан ташкиллаштирилган тадбирларда асосий эътибор аёлларнинг ҳуқуқлари, мамлакатимиз қонунчилиги ва халқаро қонун ҳужжатларида уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясига нечоғли аҳамият қаратилаётгани ҳамда ушбу ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти кенг тарзда тушунтириб берилмоқда.

ЁШ ЧЕМПИОН — ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШИ

8-бет

Мамлакатимизда кечаётган демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида биз спортчилар ҳам фаол иштирок этишимиз керак. Мен ўзимнинг сиёсий фаоллигимни кўрсатиш мақсадида «Адолат ҳаётимизнинг бош мезони» дея юксак инсонпарварлик ширини илгари суриб келаётган «Адолат» СДПга аъзо бўлдим.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Ижроия Қўмита аъзолари, партия Марказий аппарати ходимлари ҳамда фаоллар иштирок этишди. Йиғилишда «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг вазиғлари тўғрисида», «Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг 2011 йилга мўлжалланган иш режасига киритилган масалаларни ҳудудий партия Кенгашлари ўқув семинарларида кўриб чиқиш тўғрисида» ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик тадбирлари режаси тўғрисида»ги масалалар кўриб чиқилди.



Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида эълон қилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни том маънода Ўзбекистон интилаётган буюк келажақ концепцияси деб тушуноқ ва бу муҳим ҳужжатга мана шу мезонлардан туриб ёндашмоқ жоиз. Чунки унда мустақил тараққиётнинг қарийб йигирма йили мобайнида амалга оширилган ислохотларнинг аҳамиятига кўра энг муҳим натижалари таъкидлангани ҳолда, мамлакат ва халқнинг бундан кейинги тақдирига дахлдор долзарб стратегик вазиғалар аниқ белгилаб берилди.

Буюк келажақ дастури

Нуқтаи назар

Раҳмон ҚУЧҚОРОВ
ТДЮИ катта ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди.

Бугунги кунда дунё миқёсида кенг эътироф этилаётган, кўплаб мамлакатларнинг жиддий қизиқишига сабаб бўлаётган «тараққиётнинг ўзбек модели», маълумки, Президентимиз томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ пухта ишлаб чиқилди ва ҳаётга изчил татбиқ этилди. Бу тарихий ўзгаришларнинг илк даврида олға сурилган «Ислохот ислохот учун эмас, инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган эзгу ғоя самараси амалга оширилган ишларнинг натижаларида яққол акс этиб турибди. Истиқлол йилларида республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари эса 3,8 баробарни ташкил эт-

гани, бунинг ҳосиласи ўлароқ аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши туфайли оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими эса 3 баробар камайгани сингари ўта муҳим кўрсаткичлар айнан шу юртда яшовчи инсонлар ҳаёти, тақдири билан боғлиқ, аҳамиятига кўра энг муҳим натижалар экани шубҳасиздир.

Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганидек, «ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис, авваламбор рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пиروвард натижада муваффақиятга эришади».

Давоми 3-бетда >>

Истиқлолимизнинг шонли санаси

Ўзбекистон «Адолат» СДП томонидан муносиб нишонланади

Ижроия қўмита йиғилиши

Илҳос САХАТОВ,
«Adolat» мухбири.

Кун тартибдаги биринчи масала юзасидан «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари Равшан Ҳайдаров маъруза қилди. Маърузачи таъкидлаганидек, бу йил Ватанимиз ўз истиқлолининг шонли санасини — миллий мустақиллигимизнинг йигирма йиллигини баланд рух

ва кўтаринки кайфият билан кутиб олишга катта тайёргарлик кўрмоқда.

Тарихан қисқа бир даврда, аввало, эл-юртимизнинг хоҳиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона меҳнати эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, бугун тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган мустақил, суверен Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тарихий

ғалабасидир.

Мамлакатимизда демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш йўлида эришган марраларимиз жаҳон аҳлини ҳақли равишда ҳайратда қолдирмоқда. Айниқса, жорий йилнинг 22-23 апрель кунлари пойтахтимиздаги Интерконтинентал меҳмонхонасида бўлиб ўтган «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва

фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий Конференция иштирокчилари ҳам мамлакатимизда ўтган 20 йиллик истиқлол даврида қўлга киритилган ютуқларни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳаси босқичма-босқич ислохот этилиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари концепцияси ҳаётда изчиллик билан қарор топаётганини, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиб бораётганини,

ижтимоий ҳаёт, аҳолининг турмуш тарзи янгиланиб, юксалиб бораётганлигини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва суд-ҳуқуқ ислохотларини изчиллик билан амалга ошириш ва янада демократик, адолатли тизим бунёд этилганлигини ва бошқа соҳаларда эришилган ютуқларни бир овоздан, қўллаб-қувватладилар ҳамда юксак мамнуният билан эътироф этдилар.

Давоми 2-бетда >>

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти нигоҳида:

эътироф ва эҳтиром

Парламентда

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Adolat» мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб ўтказилган давра суҳбати ана шундай номланди. Унда парламент қўйи палатаси депутатлари, партия фаоллари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари, талаба ёшлар иштирок этди.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йили мобайнида юртимизда улкан ўзгаришлар юз берди. Албатта, бундай ўзгаришлар замирида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан янги давлат ва жамият қуришнинг ўзига хос йўли — «Ўзбек модели»нинг ишлаб чиқилиши ҳамда уни амалга оширишга доир изчил ислохотлар самараси ётади. Зеро, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг беш тамойили ишлаб чиқилиши ва уларни ислохотларнинг асосий концептуал доктринаси қилиб олинганлиги, «Кучли давлат-

дан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ислохотларнинг бош мезони сифатида қабул қилинганлиги туфайли ҳам мамлакатимиз тарихан қисқа давр ичида асрга татиғулик йўлини босиб ўтишга эришди.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Тўлқин Абдусатторовнинг «Ўзбекистон миллий қонунчилигида халқаро ҳуқуқ нормаларининг тугган ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги нутқи катта қизиқиш билан тингланди.

Давоми 4-бетда >>

Қарши шаҳрида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Қашқадарё вилояти партия Кенгашининг «Ёш адолатчилар» қаноти ва Қарши давлат университети ҳамкорлигида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга оширишда «Ёш адолатчилар»нинг ўрни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия Марказий аппарати масъул ходимлари, фаоллар ва ёшлар вакиллари иштирок этишди.

Баркамоллик сари дадил қадам

Партия ҳаёти

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қашқадарё вилояти
Кенгаши матбуот хизмати.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасидаги устувор йўналишларни рўёбга чиқаришда партия вилоят Кенгашининг «Ёш адолатчилар» қаноти олдида турган масъулият ҳусусида атрофлича сўз юритилди.

Ёшлар порлоқ келажагимизни белгилаб берувчи асосий кучдир, — деди партия Марказий аппарати масъул ходими Ислам Ра-

сулов. — Уларни ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, миллий кадриятларимиз руҳида тарбиялаш, мазкур Концепциянинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига чуқур сингдириш бугуннинг долзарб масалаларидандир. Юртбошимиз томонидан тақдим этилган Концепциядаги мамлакатимиз келажагини белгилаб берувчи илғор ғоялар ва устувор вазиғаларни чуқур ўрганиб, амалга оширилаётган ислохотларга ёшларимиз ҳам ўз ғоялари, илмий тадқиқотлари ва ташаббуслари билан ҳисса қўшишлари лозим.

Қизгин баҳс мунозараларга бой руҳда ўтган тадбирда талаба ёшлар фаоллик кўрсатиб, ўз билим ва салоҳиятларини намоён этдилар.

Хуррият шукуҳидан яшарган замин....

ёхуд Пастдарғомнинг порлоқ истиқболини яратаётганлар ҳусусида



Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири.

Самарқанддан Жума шаҳрига қараб йўл олсангиз, кўркам автомагистралнинг ҳар икки томонидаги обод манзара беихтиёр кўнглингизни хушнуд этади. Йўлсозликнинг замонавий инфратузилмасига мос автобекатлар, ёнилғи қуийи шохобчалари, маийши хизмат масканлари, меҳмонхона ва чойхоналар бири бирдан чиройли қурилганига ғувоҳ бўласиз. Йўл ёқасидаги қишлоқларга зеб бериб турган муҳташам коллежлар, маҳалла ва ёшлар марказлари, спорт майдончалари, намунали лойиҳага асосланган ўнлаб замонавий уй-жойлар истиқлол йилларида эл-улус муаясар бўлган муносиб турмуш шароитидан далолатдир.

Давоми 4-бетда >>

Партия ҳаёти

Истиқлолимизнинг шонли санаси

Ўзбекистон «Адолат» СДП томонидан муносиб нишонланади

« Давом. Боши 1-бетда

Агарда Конференция иштирокчиларининг 40 дан ортик давлатлардан келганлигини, улар сони 200 нафардан ортик эканлигини инобатга оладиган бўлсак, мамлакатимиз кўлга киритган ютуқларнинг эътирофи низоҳатда юксак даражада бўлганлигини кузатишимиз мумкин.

— Ана шундай ютуқ ва эътирофлардан гурунланган ҳолда байрам тадбирларини Ватандошларимиз, партиядошларимиз, сайловчиларимиз ва ёш авлод қалбида чуқур таассурот қолдирадиган даражада юқори савияда ўтказишда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг вазифаларини белгилаб олишимиз зарур. — деди маърузачи. — Партиянинг барча Кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларини байрамни марказ ва жойларда янада кўтаринки руҳда ташкил этиш ва ўтказиш учун сафарбар этишимиз лозим.

Қизгин муҳокама, таклиф ҳамда мулохазалар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг барча тузилмалари томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кутиб олиш бўйича дастуриламал сифатида қабул қилиниши белгиланди. «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» деган ғояни ўзида муҳасам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тартибот-ташвиқот ишлари дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга



ошириш юзасидан Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг тадбирлар режаси тасдиқланди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Йигилиш кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан партиянинг Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим мудир Ақмал Самеджанов сўзга чиқди. Маърузачи Жиззах ва Самарқанд вилояти партия Кенгашларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш ишлари тўғрисидаги масалаларни Жиззах ва Самарқанд вилояти партия Кенгашлари ўқув семинарлари кун тартибига киритишни таклиф қилди. Ижроия қўмита минтақавий ўқув семинарлар дастури кун тартибидан ўрин олган мазкур масала юзасидан амалий машғулотларни ўтказишга оид қарор қабул қилди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан сўзга чиққан

партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Сирожиiddин Раупов мустақиллик йилларида фуқаролик жамиятининг энг муҳим бўғини сифатида шаклланди. Фуқаролик жамиятининг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тўхталиб, маҳалланинг аҳоли ижтимоий ҳаётига доир масалаларни ҳал этишдаги ўрни ва роли юқори эканлигини таъкидлади.

— Хусусан, бугун маҳалла ижро ҳокимияти органлари устидан 30 дан ортик йўналишлар бўйича фаол жамоатчилик назоратини ўрнатиб келаётганлиги ҳам унинг жамиятда нечоғли муҳим ўрин туттишидан далолатдир, — деди маърузачи. — Шунингдек, маҳалла оладиган бўлсак, мамлакатимизда ҳар икки ярим йилда ўтказиладиган маҳалла раислари ва унинг маслаҳатчилари сайлови ҳам муҳим сиёсий жараёнлар ва унда фуқаролик жамиятининг

барча институтлари қатори сиёсий партиялар ҳам муносиб иштирок этишлари лозим. Шу боисдан, жорий йилнинг майиюнь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларида партия ташкилотларининг иштироки масаласи ҳам эътиборга молик масаладир.

Билдирилган таклиф ҳамда мулохазалар асосида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ҳудудий партия Кенгашлари ушбу сайловларда фаол иштирок этишни кўзлаган ҳолда жойларда тегишли тадбирлар режасини тузиши, тадбирларда расмиётчиликдан холи, жонли мулоқотлар ташкил этиши зарурлигига оид қарор қабул қилинди.

Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг йигилиши сўнггида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув институтини такомиллаштириш — давр талаби

Концепция: қонуний ва ҳуқуқий кафолат

Абдурафик АҲАДОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари.

Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги кўплаб ишлаб чиқариш объектлари акциядорлик компаниялари шаклида ташкил этилган. Ушбу акциядорлик компанияларининг самарали фаолият юритиши эса ўз навбатида корпоратив бошқарув тизимининг тўғри ва оқилона ташкил этилганлиги билан боғлиқдир.

Акциядорлик компанияларида корпоратив бошқарув тизими ва қонуний базасини такомиллаштириш — жамоавий молиялаштириш соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатлари кафолатларини мустаҳкамлашга доир сазй-ҳаракатларни назарда тутган ҳолда корпоратив бошқарув тизимининг асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Зеро, акциядорлик жамиятига ўз капиталини киритган инвесторлар ушбу маблағларни самарали йўналтирилиши ва юқори молиявий самарадорликка эришилишидан манфаатдордир. Бу умид ишончга айланиши учун эса, акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг амалга оширилишини таъминлайдиган механизмлар кўринишида қонуний кафолат зарур.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш корпоратив бошқарув тизимини самарали йўлга қўйиш жараёнидаги асосий масалалардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Барчага маълумки, акциядорларга берилган ҳуқуқларнинг амалга оширилиши тартиби қонунга, акциядорлик жамиятининг уставига ва унинг ички ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Турли мамлакатларда акциядорларга берилган асосий кафолатлар ўхшашлиги билан бир қаторда, акциядорлар ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби ва имкониятлари, турли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигига боғлиқ ҳолда сезиларли даражада фарқ қилади.

Акциядорларга берилган ҳуқуқий кафолатларни самарали амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, авваламбор, ҳар бир мамлакат қонунийлигида тегишли меъёрларнинг мустаҳкамланиши ҳамда уларнинг амалда қўлланилишига боғлиқдир.

Акциядорлар ҳуқуқларини амалга оширишда қонунийликда мустаҳкамланган меъёрларнинг тўғри қўллашга асосланган суд амалиёти, акциядорларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражаси ҳамда уларнинг тегишли кафолатларга оид қонуний

лик ҳақидаги билимлари алоҳида ўрин тутаяди.

Республикамызда акциядорлик жамиятлари фаолиятининг миноритар акциядорларга кафолатлар беришни назарда тутувчи ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш миллий корпоратив қонунийлигимизда амал қилувчи ҳуқуқий механизмларни яхшилаш ва аниқлаштириш, корпоратив муносабатларнинг алоҳида томонларини ҳуқуқий тартибга солишдаги ноаниқликларни бартараф этиш, бошқарув муаммоларини камайтириш, улар учун қўлай иш муҳитини яратиш бўйича комплекс ишларни амалга оширишни тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимининг ҳозирги ривожланиш босқичида корпоратив қонунийликни ишлаб чиқиш ва янгилашга ҳамда унинг таркибининг тизимлаштириш бўйича ишлар олиб боришда тизимли ёндашув талаб этилади.

Шу билан бирга, корпоратив бошқарув тизими ва қонунийлигини такомиллаштиришда ҳорижий мамлакатлар тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Бироқ ҳорижий тажрибани қўллашда қонунийлик меъёрларининг ташқи ўхшашлигига эмас, балки мазмун-моҳиятига таяниш лозим.

Бугунги кунда корпоратив қонунийлик талабларининг бажарилишини таъминлаш, акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга солишда меъёрларнинг бошқа тармоқларида белгиланган нормаларга боғлаш ва мувофиқлаштириш зарурати юзага келди.

Хусусан, корпоратив қонунийликни янада такомиллаштириш жараёнидаги асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади:

Биринчидан, ахборотни очиб бериш механизмидан корпоратив муносабатларни бошқариш воситаси сифатида кенг қўллаш;

Иккинчидан, акциядорлик жамиятларида бошқарув ва назорат органларининг мақоми, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини пухта регламентлаш орқали акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни қучайтириш;

Учинчидан, корпоратив муносабатларнинг барча иштирокчилари манфаатлари балансига риоя этиш.

Миноритар акциядорларнинг қонуний манфаатларини амалга ошириш учун қўшимча имкониятларни яратиш мақсадида қонунда аниқ ва самарали кафолатларни кўзда тутиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Янги таҳрирдаги қонун лоийҳасида назарда тутилган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети акциядорлик жамиятларининг ташкил этилиши, фаолият кўриши ва тугатилиши ҳамда акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ му-

носабатларни такомиллаштиришдан иборатдир.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси акциядорлик ҳуқуқий манбалари тизимини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорлари, идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, акциядорлик жамиятларнинг ички ҳужжатлари ташкил қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, амалдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг нормаларни бевосита таҳлил қилиб, уни такомиллаштириш ва янги таҳрирдан ишлаб чиқишда қуйидаги асосий йўналишларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

Биринчидан, корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва масъулиятини аниқлаштириш;

Иккинчидан, акциядорлик жамиятларида корпоратив ҳаракатлар амалга оширилишида миноритар акциядорлар учун кафолатлар яратиш;

Учинчидан, акциядорлар ва салоҳиятли инвесторларнинг акциядорлик жамиятларнинг фаолиятига оид маълумотларга эга бўлиш имкониятларини кенгайтириш ва бошқарил.

Бундан кўзланган мақсад, корпоратив бошқарувнинг асосий функцияларидан бири акциядорлик жамиятининг акциядорлар манфаатларини қўллаш фаолият юритишини таъминлашдир. Бу қонунда анча оддий кўринса-да, аммо у бир қатор мураккаб ва муҳим масалаларни қамраб олади.

Шунингдек, акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар ташкилий-ҳуқуқий шаклларини ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олиб, қонунлар нормаларини уйғунлаштириш лозим. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига юқоридаги ўзгаришларни киритилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳам ўзгаришлар ва қўшимчалар киритишни тақозо этади.

Умуман олганда, корпоратив бошқарув соҳасидаги қонунийликни янада такомиллаштириш акциядорлик жамиятларининг барча иштирокчилари ҳуқуқлари, ваколатлари, масъулияти ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, бошқарув аппарати фаолият устидан самарали назорат ўрнатиш, акциядорларнинг умумий йиғилишлари, тафтиш комиссиялари, қузатув кенгаши ва акциядорлик жамиятлари аудит хизматларининг таъсирчанлигини ошириш учун хизмат қилади.

Соғлом авлод — юрт келажаги

Тадбир

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Юнусобод тумани кенгаши ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман филиали, Камолот ЁИҲ туман кенгаши ҳамкорлигида тумандаги «Ёшлик» спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб, «Баркамол, соғлом авлод — бизнинг келажакимиз» шиори остида спорт мусобақалари ташкил этилди. Унда тумандаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари спортнинг футбол, тазквандо, кураш ва бадий гимнастика турлари бўйича беллашдилар.

«Адолат» СДП: Ёшлар маънавияти — устувор масала

Ўзбекистон «Адолат» СДП Навоий вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Бугунги глобаллашув даврида ёшлар маънавий дунёқарашини кенгайтириш, уларни ёт ғоя ва мафқураларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш долзарб масалалардан бирига айланган. Ўзбекистон «Адолат» СДП Конимех тумани кенгаши томонидан тумандаги Қишлоқ ҳўжалик коллежида «Маънавиятга таҳдид — келажакка таҳдид» мавзусида ташкил этилган тадбирда шу ҳақда сўз борди.

Маълумки, улғ аждодларимиз бизга улкан маънавий мерос қолдирганлар. Амир Темур, Бегуний, Ибн Сино, Улғубек, Ал-Хоразмий ва бошқа юзлаб дунёга машҳур аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва босиб ўтган йўли бунинг исботидир. Тадбирда истиқболли порлоқ, буюк Ватан кел-

жаги учун аждодларимиз ҳаётини ўрганиш, ишнини даво эттириш биз авлодлар зиммасидаги масъулиятли вазифа эканлиги таъкидланди. Шунингдек, бугунги кунда «оммавий маданият» номини олган, аслида миллий ва маънавий кадриятларимиз, менталитетимизга мутлақо зид ёт

гоялар кириб келишининг олдини олиш, ёшларимиз онгида унга қарши иммунитет ҳосил қилиш лозимлиги ҳақида фикр юритилди.

— Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарига маънавият тушуначисига атрафлича изоҳ берилиб, унинг аҳамияти ҳақида, бугунги кундаги долзарб жихатлари ҳақида кимматли фикрлар билдирилган, — деди туман партия кенгаши раиси Элёр Хайитов. — Ушбу рисолада келтирилган теран фикр-мулоҳазалар ёшларимизнинг маънавий онгини бойитишда дастуриламал бўлмоқда. Маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган фаолиятимиз доирасида маънавият тарғиботи марказлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ҳам яхши самара бермоқда. Шунингдек, туман кенгашидаги фаоллари-

миз фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг сиёсий дунёқарашини юксалтиришга катта эътибор бериб келмоқда. Жорий йил бошида Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси бўйича семинар ўтказган эдик. Бу барчамизда яхши таассурот қолдирди. Демократик фуқаролик жамияти барпо этишининг келгусидаги босқичини белгилаб берган ушбу Концепция асосида ўз фаолиятимизни ташкил этишимиз ҳозирроқ юксак самара бермоқда.

Сўзга чиққанлар ёшларимизнинг сиёсий дунёқарашини шаклланаётгани, уларда Ватан раванкига дахлдорлик ҳисси юксалаётганини алоҳида таъкидлашди.

Буюк келажак дастури

« Давоми. Боши 1-бунда»

Дарҳақиқат, 2008 йилда жаҳонда бошланган молиявий-иқтисодий инқироз бу тилдаги ҳодисаларнинг биринчиси ҳам, охиригиси ҳам эмас. Қолаверса, ўз келажига бепарқ бўлмаган огоҳ мамлакат ва миллат фақат инқирозлар ҳамда фалокатларга эмас, балки глобал юксалиш даъватларига ҳам тайёр бўлиш, дунёвий таракқиётдан орта қолмаслик, имкон бўлса, унинг олд жабҳаларида бориш тадбиригидан ҳам қўриб яшайди. Ўзбекистон Президенти олға сурган тарихий Концепция ўз негизда айна шундай мақсад-муддаоларни мужассам этгани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Концепцияда илгари сурилган ислохотлар йўналишлари мамлакат ва халқ ҳаётининг деярли барча жабҳаларини камраб оладики, ушбу мўъжаз мақола доирасида уларнинг ҳаммасига бирдек кенг тўхталиш, талқин этиш имконияти йўқ, албатта. Шу туфайли юртимизда кечаётган демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг "Ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш" деб номланган учинчи йўналишида илгари сурилган муҳим тақлиф — "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида" қонун қабул қилиш борасида айрим мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқчимиз.

Давлатимиз раҳбари "Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериши, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваломбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш лозим" деган муҳим талабни қўйди.

Асосий Қонун — Конституция-мизнинг 14-моддасида "Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади" деган ҳуқуқий норма мустаҳкамланган. Мазкур муҳим қридага амалиётда мунтазам риюя қилинишига эса Юртошимиз тақлиф этаётган қонун асосида тўла эришиш имконияти пайдо бўлади. Зеро, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қайси мезонлардан келиб чиқиб фаолият олиб бораётгани, улар томонидан қабул қилинаётган у ёки бу даражадаги қарорлар фуқаролар ҳаётининг қайси жабҳаларига қандай ўзгариш ва янгиланишлар олиб кириши масаласининг фуқароларга очиқ ва тўшунарли тарзда етказилиши:

Биринчидан, мазкур қарорларнинг Конституцияга, амалдаги қонун ҳужжатларига мослигига ишонччи;

Иккинчидан, уларни қабул қилиш заруратининг аниқлигини;

Учинчидан, қабул қилинган қарорнинг соҳа ривожига ёхуд муаммолар ечимига кўрсатадиган таъсирини тушуниши; **Тўртинчидан**, қарорнинг амалга оширилиш мuddати ва амалга оширувчи масъуллардан хабардорлики; **Бешинчидан**, қарорни амалга ошириш механизмлари ҳамда уларнинг иш самарадорлигидан воқифлики ва энг муҳими

олтинчидан, мазкур қарорлар ижросидан манфаатдор бўлган кенг омманинг унинг ҳаётга жорий этилишида онгли ва фаол иштирок этиши натижасида эришиладиган самаранинг юқори бўлишини кафолатлайди. Бу ўринда бўлажак қонуннинг мукамаллиги ҳамда унинг оқилона ижроси кенг аҳоли оммасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда эртанги кунга бўлган ишончининг мустаҳкамланишига кўрсатадиган ижобий таъсирини алоҳида қайд этмоқ жоиз.

"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш тақлифи Концепциянинг айнан "Ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш" бўлимида берилган таъминлаш асосида амалга оширилади. Чунки ҳар қандай фаолият очиқлигини "тўртинчи ҳокимият" — оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мазкур жараёнда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари — вазирликлар, қўмиталар,

давлатнинг марказий муассасалари, корпорациялари, концернлари, уюшмалари, компаниялари, бирлашмалари, агентликлари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурда ташкил этилган матбуот хизматларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Очигини айтганда, мазкур хизматларнинг бугунги кундаги фаолияти ҳамма жойда ҳам замон талабларига тўла мувофиқ келади, дея баҳолаш анча мушкул. Бир қанча вазирлик ва идораларда бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни эътироф этган ҳолда таъкидлаш лозимки, айрим муассасаларда матбуот хизматлари номини таъкидлаш билан таъкидлаш таассурот тўғрисида. Уларни бошқараётган ёхуд бу хизматларга жалб этилган ходимларда профессионализм, ҳозиржавоблик, ўзи мансуб бўлган соҳа сирларидан воқифлик, омма билан, оммавий ахборот воситалари билан тезкор алоқага кириша олишдек муҳим хусусиятлари етишмайди. Масалан, мазкур хизматлар томонидан Интернет тармоғида очилган веб-саҳифаларга назар ташласак, уларга киритилган маълумот ва ахборотларнинг тез ва мунтазам янгиланмаслигига, муҳим билан номумининг фарқига борилмасликка, соҳага ҳеч алоқаси бўлмаган даъдабабозликка, маълумотларни тақдим этишдан тортиб уларнинг талқини ҳамда уларнинг аниқлиги юзакчиликка бот-бот дуч келамиз. Ҳолбуки, мазкур веб-саҳифалар ва ёки бу соҳада олиб борилаётган ниҳоятда муҳим ислохотлар

моҳиятини, қўлга киритилаётган ютуқлар қўлама ва аҳамиятини оммага тўғри етказишда ҳам, мамлакат ичидаги ҳамда хориждаги шерикларнинг соҳага бўлган қизиқиши ва иштирокини кучайтиришда ҳам, махсулот ёхуд хизматларнинг таъсирли ташвиқотини уюштиришда ҳам самарали роль ўйнаши лозим.

Ишлаб чиқиладиган янги қонунда мазкур хизматлар вазибалари, ҳуқуқ ва бурчларининг аниқ белгилаб қўйилиши улар фаолиятини жонлантиришга хизмат қилиши баробарида бу фаолият устидан жамоатчилик назоратининг йўлга қўйилишига ҳам ҳуқуқий замин ҳозирлайди.

Президентимиз бундай қонуннинг яратилиши "давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги маъсулиятини" ҳам кўп жиҳатдан кучайтиришига ишонч билдиради. Қарорлар сифати деганда эса биз уларнинг қанчалик салмоққа эгаллигини, халқ манфаатларига мослигини, у ёки бу соҳа такомиллигига кўрсатадиган самарали таъсирини, бир сўз билан айтганда, ҳар жиҳатдан ҳаётийлигини тушунамиз. Ана шунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, улар томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қарор халқимизни эзгулик, бунёдкорлик сари сафарбар этишга қодир кўнга, буюк келажак томон ташланган ишончли қадамга айланади шубҳасиз.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг

қонуний асосларини такомиллаштириш — долзарб масала

Конституция:
устувор йўналишлар

Тўлқин АБДУСАТТОРОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фракцияси аъзоси.



Демократик ислохотлар шароитида давлатнинг ахборот соҳасидаги сиёсатининг энг асосий вазифаси, бу — давлат ҳокимияти ва бошқаруви фаолиятидаги очиқликни таъминлаш ҳисобланиб, унинг биринчи мақсади очиқ, эркин ахборотга асосланган фуқаролик жамияти қуришидир.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлиги фақатгина халқнинг ҳокимиятга бўлган ишонч ва ҳурматининг оширилишигагина эмас, балки, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлиги, мунтазам равишда фаолият юришини ҳамда давлат ҳокимиятининг жамият олдида ҳисобдорлиги, халқ ва давлат ўртасидаги ўзаро доимий алоқаларни таъминлайди. Бу эса ўз навбатида демократик ислохотларни чуқурлаштиришга, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш зарурлигини таъкидлаб ўтганини муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериши, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваломбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш зарур.

Албатта, мазкур қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг манфаатларига тўла мос келади. Яъни, партия ўз сайловли дастурида, аввало бошқарувда ошқоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш зарурлигини, хусусан, фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашинувини жадаллаштириш лозимлигини илгари суриб келмоқда.

Хорижий давлатлар тажрибасини кузатадиган бўлсак, давлат бошқарувида очиқлик институтига дастлаб Швецияда 1766 йилда "Нашрлар эркинлиги тўғрисида"ги қонуни

билан асос солинган. Шундан сўнг Финляндия, Дания, Норвегия, Франция, Голландия, Австралия, Бельгия ва Японияда давлат ҳокимияти ва бошқарувида очиқликни тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган.

Дунёнинг ривожланган давлатларида, жумладан, Америка Қўшма Штатлари ва Японияда фуқароларнинг давлат ҳокимияти фаолиятига оид маълумотларни топишда қулайлик яратиш мақсадида биринчи навбатда замонвий ахборот-коммуникация технологиялари тизимидан фойдаланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйишган. Ҳамда қонун орқали фуқароларга тегишли маълумотларни тақдим этишга мажбур бўлган давлат бошқаруви органлари интернет тармоғидаги ўз сайтларини таъкидлаш ахборотларни жойлаштириш шарт этиб белгиланган.

Хорижий давлатларнинг йиллар давомида шаклланган ушбу соҳадаги ютуқ ва камчиликларини ўрганиб чиқиш, таҳлил этиш ҳамда керакли жиҳатларини ўзлаштириш фойдадан холи бўлмайди. Албатта, давлатда фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида демократик ислохот

ларнинг авж олишида тўғри шаклланган жамоатчилик фикри алоҳида аҳамият касб этади. Жамоатчилик фикри фақатгина давлат бошқаруви органлари фаолиятига тааллуқли маълумотлардан чекловларсиз, қонун доирасида эркин фойдаланиш имконига эга бўлиш ҳамда ўзаро ахборот алмашинуви орқали тўғри шаклланиши мумкин. Бу эса ўз навбатида халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини оширади ҳамда ҳукуматнинг турли соҳалардаги ислохотларини қўллаб қувватлашга замин яратади.

Мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашда унинг ижро механизмига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Яъни, фуқароларнинг тегишли маълумотларни олишида қулайлик яратиш мақсадида ахборот коммуникация технологиялари тизимини такомиллаштириш талаб этилади. Шу билан биргаликда, давлат ҳокимияти органлари фаолиятига доир маълумотларни олиш имкониятини кенгайтириш мақсадида:

- давлат органлари фаолиятига тегишли ахборотлар жойлаштирилган муайян давлат ҳокимияти органларининг интернет тармоғидаги сайтлари га йўналтирилади ягона интернет портал тизими ташкил этилиши;
- тегишли давлат органларининг фуқароларнинг телефон орқали мурожаатлари бўйича ишловчи марказларини ташкил этиш;
- тегишли давлат органларининг фуқаролар билан ҳамкорлиги ҳамда давлат хизматларини кўрсатишга оид масалалар юзасидан ягона маълумотлар тизимини яратиш;

- тегишли давлат органларининг интернет тармоғидаги сайтларини ривожлантириш, яъни маълумотларни ўз вақтида жойлаштириш ҳамда янгилаб боришларини таъминлаш;
- ахборот кутубхона тизими манбаи орқали ташкил этиладиган марказларда давлат ҳокимияти органлари ҳамда улар томонидан кўрсатилаётган хизматларга тааллуқли ҳамма учун мўлжалланган маълумотлар ҳам ўз аксини топиши ва тезкорлик билан янгилаб борилиши лозим.

Шу билан биргаликда, фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан турли соҳаларда доимий жамоатчилик назорати олиб борилиши давлат ҳокимияти фаолиятининг очиқликни таъминлашда ўзига хос ҳисса қўшади. Шу сабабли, Президентимиз томонидан қабул қилиниши тақлиф қилинган "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги ҳамда "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ушбу соҳадаги ваколатларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда 2001 йилда Япония ушбу қонунни қабул қилиши билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги тўғрисида қонун қабул қилган ўн тўртинчи давлатга айланган бўлса, Ўзбекистон Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида биринчилар қатори ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқмоқда. Бу эса Ўзбекистонда демократик ислохотлар қай даражада авж олаётганидан дарак беради.

Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

Тошкентда 22-23 апрель кунлари "Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. ЎЗА мухбирлари конференция иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

Юртингизда демократик тамойилларнинг мустаҳкам қарор топишига босқичма-босқич эришилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда

Александр ЦИНКЕР, МДХ ва Шарқий Европа мамлакатлари институти директори, Сайлов тизимини ўрганиш халқаро маркази директори (Исроил):

— Ўзбекистон ҳаётидаги ушбу муҳим воқеа мамлакатнинг демократлашуви тобора кенг қўлама касб этаётганини кўрсатмоқда. Юртингизда демократик тамойилларнинг мустаҳкам қарор топишига босқичма-босқич эришилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Мен Ўзбекистонда ўтказилган сайлов жараёнларида бир неча бор халқаро кузатувчи сифатида иштирок этганман. Ўтган давр мобайнида юртингизда самарали демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш борасида гоят муҳим ўзгаришлар амалга оширилганини алоҳида қайд этишни истардим. Сўнгги йилларда сайлов соҳасига оид кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди, бу тизимнинг изчил ва босқичма-босқич либераллашувини, икки палатали парламент сайловларининг қонун талаблари ва умумэтироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминладиган мукамал қонунчилик базаси шакллантирилди.

Обид Каюм СУЛЕРИЙ, Исламобод барқарор ривожланиш сиёсати таҳлилий институти директори (Покистон):

— Ўзбекистонда Конституция қоидалари изчил равишда ҳаётга татбиқ этилаётгани самарасида фуқаролар ва миллатларaro тотувлик муҳити қарор топган, аҳоли фаровонлиги тобора ошиб бермоқда, иқтисодий-ижтимоий ривожланишда, таълим, фан, маданият ва бошқа соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилаётди. Ўзбекистон иқтисодиёти ўтган 20 йил мобайнида қарийб 3,5 баробар ўсгани, яъни ички махсулот аҳоли жон бошига 2,5 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ошгани бунинг яққол далилидир. Бунда Ўзбекистоннинг эркин иқтисодий бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш тамойилига асосланиб иш юритаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатингизнинг демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам соҳа ривожига бўлган катта эътибордандир.

Марказий Осиё марказида жойлашган Ўзбекистон минтақад тинчлик, ҳавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Владимир БАЧИШИН, Коменский университетининг иқтисодиёт ва журналистика фанлари профессори (Словакия):

— Мамлакатингизга илк бор келишим. Буюк мутафаккирлар юрти — Ўзбекистон ҳақида кўп ўқиганман.

Конференция турли мамлакатлардан келган йирик олимлар ҳамда мутахассислар иштирокидаги баҳс-мунозараларда қатнашиш имконини берганидан хурсандман. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг конференция иштирокчиларига табриги анжуманининг нуфузини янада оширди.

Юртингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қулай сарможий муҳит, ҳуқуқий замин яратилганининг, ишлаб чиқариш тармоқларининг барқарор ва узлуксиз ишлаши учун зарур захира мавжудлигининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ривожланишига қаратилаётган эътибор таҳсинга лойиқ.

Словакияда ҳам кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд. Уларнинг аксарияти ёшлар ва кексаларга ижтимоий ва молиявий қўмақлашиш, қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади.

Александр ГАПОНЕНКО, Европа тадқиқотлари институти президенти (Латвия):

— Юксак савияда ташкил этилган ушбу конференцияда мамлакатингизда иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, халқ фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламадаги ишлар билан танишдим.

Шуни алоҳида эътироф этишни истардимки, Ўзбекистоннинг мамлакатини янада модернизация қилиш ва янгиллаш бўйича изчил ислохотларни чуқурлаштиришга оид катта тажрибаси кўплаб давлатлар учун барқарор ривожланиш намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиб кетаётганига қарамай, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг ривожланаётгани, экспорт кўрсаткичлари ошаётгани, хорижий инвестициялар кенг жалб этилаётгани диққатга сазовор.

Хилбрен Иеде БАЙС, Европа халқаро алоқалар институти бош котиви (Бельгия):

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини чуқур ўрганиб чиқдим. Айтиш жоизки, мамлакатни янада демократлаштириш ва халқ фаровонлигини ошириш бўйича кўплаб гоя ва ташаббусларни ўз ичига олган мазкур Концепция Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш борасидаги ишларни янги поғонага олиб чиқишга хизмат қилади.

Мамлакатингизда иқтисодиётнинг барча тармоқлари бирдек изчил ривожланаётгани жуда қувонарлидир. Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги йил сайин такомиллашиб, сайлов тизими янада яхшиланмоқда.

ЎЗА мухбирлари
Ирода УМАРОВА, Мадина УМАРОВА,
Назира МАНЗУРОВА ёзиб олди.



Мулоҳаза

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти нигоҳида:

эътироф ва эҳтиром

« Давоми. Боши 1-бетда

— Ўзбекистон истиқлолга эришгач, мустақил ички ва ташқи сиёсий стратегияни аниқ белгилаб олиш борасида катта ютуқларга эришди. — деди нотик. — Эътиборлиси шундаки, истиқлол йилларида 22 мингдан ортиқ ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Айниқса, Президентимизнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги ташаббуслари қатор нуфузли халқаро ташкилотлар эътирофига сазовор бўлди. Мамлакатимиз халқаро ташкилотлар фаолиятида тенглар ичра тенг бўлиб, фаол ва самарали иштирок этиб келмоқда. Улардан бири жаҳонда энг йирик ва тинчликпарвар ташкилот саналмиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир. Ўзбекистон бугунги кунда ушбу нуфузли ташкилот билан кўплаб соҳаларда ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиб келмоқда. Икки томонлама муносабатларда хавфсизлик, экология, иқтисодий ривожланиш, таълим ва соғлиқни сақлаш каби масалалардан ташқари, БМТни ислоҳ қилиш, жумладан, унинг органлари фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўзга чиққанлар ўтган давр мобайнида халқаро ҳамжамиятга аъзо бўлиш давлатимизнинг нафақат ташқи сиёсатида, балки ижтимоий-иқтисодий, маданий ва бошқа кўплаб соҳалари ривожига ҳам катта

аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлашди.

— Маълумки, мамлакатимиз 1992 йилда БМТга аъзо бўлиши билан бирга ҳамжамиятнинг бир неча таркибий идоралари — БМТ Тараққийот дастури, Гиёҳвандликка қарши кураш дастури, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО, ЮНИДО ва ЮНЕСКО ваколатхоналари билан интеграциялашув жараёнига уйғунлашишда қатор лойиҳаларни амалга ошириб келаяпти. — деди фракция аъзоси Иномжон Самиев. — Ўзбекистон БМТ таркибий ташкилотлари билан ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айниқса, ЮНЕСКО билан биргаликда соғлом турмуш тарзини янада тарғиб этишга қаратилган бир неча лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширмоқда. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ҳам мамлакатимиз маданий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ва тарихий шаҳарларимизнинг юбилейларида унинг иштироки бундай тадбирларнинг аҳамияти ва нуфузини янада оширмоқда.

Давра сўхбаотида сўзга чиққан депутатлар Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ҳамда улар асосида қабул қилинган қонунлар ва уларнинг бугунги ҳолати юзасидан маърузалар қилишди.

Тадбирда мамлакатимиз ҳаётида юз берган ўзгаришлар учта — сиёсий, иқтисодий

ва маънавий ислохотларга бўлиб таҳлил этилди.

Таъкидланганидек, сиёсий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги тенг ҳуқуқли мустақил давлат сифатида юз кўрсатди. Халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллади. Ўз овозига, ўзига хос мавқеига эга бўлди.

Байроғи, Герби, Мадҳияси, Конституцияси, давлат тизими, миллий пули, миллий армияси... бор. 600 дан ортиқ янги қонун қабул қилинди. Уларнинг бари амалда жамиятни демократлаштириш, бозор иқтисодиёти шакллантириш, ҳуқуқий давлат қуришдек эзгу мақсадларга қаратилган.

Иқтисодий жиҳатдан туб бурилиш юз берди. Фуқаролар мулкка эга бўлиш, уни кўпайтириш, бойиш учун тинмай ҳаракат қилиш, ақл-фаросати, истеъдоди-салохиятини ишга солиш, тадбиркорликнинг ҳар хил намуналарини кўрсатиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Маънавий ислохотлар самарасига алоҳида урғу берилди. Тилга, тарихга, меросга, динга, урф-одатларга, аънава ва қадриятларга, адабиёт ва санъатга муносабатинг қанчалар ўзгаргани ёрқин мисолларда келтирилди. Мустақиллигимиз рамзи замонавий руҳда қад ростлаётган миллий аънаваларимиз мўжассам биноларимизда акс этаётганлиги қувонч билан эътироф этилди.

Бугун Ўзбекистонни жаҳон тан олди. Айниқса, моливиый-иқтисодий инқироз жаҳоннинг

энг тараққий этган давлатлари ҳам танг аҳволга солиб қўйган, кўплаб йирик молия муассасалари, компания ва фирмалар касодга учраган, ишлаб чиқариш орқага кетган, миллионлаб кишилар муқим иш жойларидан маҳрум бўлган мушкул бир шароитда Ўзбекистонда нафақат иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатиши, балки унинг энг юқори суръатларда ривожланиши дунё ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланди.


Шунингдек, депутатлар тадбир иштирокчиларига давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳияти ҳамда унинг аҳамияти ҳақида кенг тушунчалар берилди.

Айтиш керакки, тадбир очик мулоқот шаклида ўтди. Иштирокчилар нафақат саволлар билан, балки фикр-мулоҳазалари билан ҳам фаол иштирок этишди.

— Мамлакатимизга жаҳоннинг кўплаб давлатларидан олимлар, меҳмонлар, расмий кишилар келиб, халқ ўз тарихи билан қандай фахрланаётгани, қандай бой маънавий меросга, кўҳна шаҳарсозлик маданиятига эга эканини кўриб ҳайратланишмоқда, — деди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Фуркат Музаффаров. — Бу эса, биз ёшларга фахрийлик туйғуларини бераяпти.

ти. Ва шунинг баробарида келажакка бўлган ишонч, интилиш ортмоқда. Дарҳақиқат, биз учун энг буюк, энг азиз қадрият бўлмиш истиқлолимизнинг ҳар бир санаси кенг миқёсда нишонланаётгани янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлмоқда. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг амалий намояни, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида кенг нишонланади. Бинобарин, истиқлол йиллари халқимиз учун, айниқса, биз ёшлар учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиш, кадр-қимматини англаш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган муносиб ҳаёт кечирish учун кенг имкониятлар яратиб берганлиги билан ниҳоятда қадридли.

Тадбирда сўз олганлар мустақиллик ва эркинлик баланд-парвоз сўзлар эмас, балки улар замирида улкан бунёдкорлик, мардлик, жасорат эвазига эришилган иқтисодий ютуқлар, улғувор ишлар муҳассамлигини фахр билан тилга олишди. Ватанимизнинг бу каби ютуқларидан фахрий-ифтихор туйғуларини ҳис этиш, олдимизда турган вазибаларга амалий ишлар билан ҳисса қўиш, юртимизда бўлаётган воқеа ва ўзгаришларга нисбатан дахлдорлик ҳисси билан яшаш — ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигига алоҳида урғу берилди.



«Жануб мўъжизаси»

Термиз шаҳри ана шундай номга муносиб шаҳар

Муносабат

Абдуракул ХАЙРУТДИНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сурхондарё вилояти Кенгаши
раиси вазифасини бажарувчи.

Муҳтарам Юртбошимиз Ислам Каримов вилоятимизга аввалги ташрифи чоғида «Бу беш йиллик Сурхондарё беш йиллиги бўлади», деб таъкидлаган эдилар. Бу пурмаъно сўзларнинг нақадар ҳаётийлигига бугун гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўтаётган икки йилда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди.

Бугун воҳанинг шаҳар ва қишлоқлари ўзгача қиёфа касб этди. Биргина мисол: давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра 2010 йилда вилоятнинг 16 та мавзесида 660 та яқка тартибдаги замонавий уйлар қад ростлаб, фойдаланишга топширилди. Бу хайрли ишларимиз бу йил янада кенг қўл очилди. Ёки, Юртбошимизнинг ташаббуси ва раҳнамоллигига амалга оширилган кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари натижа-сида улғу бобомиз мангу кўним топган макон — Ҳаким Термизий мажмуаси мутлоқо янгича қиёфа касб этди. Вилоят марказидаги «Бахт уйи», Алишер Навоий хиббони шаҳарга ўзгача кўрк бағишлаб турибди...

Бугун Термиз шаҳрида ўрта махсуф, касб-хунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларига старт берилди. Бундай йирик мусобақа вилоят тарихида илк бор ташкил этилмоқда. Бундан чексиз қувончу шодликка тўлган Сурхон ахли пухта хозирлик кўрмоқда. Эътибор беринг, биргина мазкур мусобақа муносабати билан Термиз давлат университети, шаҳардаги академик лицейлар, қатор касб-хунар коллежлари бинолари, «Дельфин» сузиш хавзаси, «Ал-помини» теннис корти ва кураш мажмуаси сингари шаҳардаги қатор иншоотлар капитал таъмирланди...

Айниқса, Термиз шаҳрида барпо этилган «Сурхон» спорт мажмуаси воҳа ёшларига зўр тўғфа бўлди, десам муболага бўлмайди. 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, бадий гимнастика ва кўл тўпи заллари қурилиб, замонавий спорт жихозлари билан таъминланди. Мажмуада футбол, кўл тўпи, енгил атлетика ва бадий гимнастика билан шуғулланиш учун барча қўлайликлар муҳайё этилган...

Жорий йилнинг 22 апрель кунини мамлакатимиз раҳбари жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яна бир бор таъиниш мақсадида вилоятимизга қилган ташрифи биз сурхондарёликларнинг руҳини янада кўтарди. Айниқса, воҳа

да амалга оширилган ишлар билан танишар экан, ўзининг қимматли маслаҳат ва тавсияларини бериб бориши, аҳолини қувонтириш билан бирга, эртанги порлоқ келажакка бўлган ишончини янада оширди.

Истиқлол шарофати билан бугун вилоятимизда 5 мингга яқин фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улар яратилган шарт-шароитлардан унмўли фойдаланиб, вилоят ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини кўтаришга ҳизмат қилмоқда. Бунга бир мисол, «Ат-Термизий Намуна» фермер ҳўжалиги нафақат давлатга пахта ва дон сотиш шартномавий режаларини ортиги билан бажариб келмоқда, балки аҳолини иш билан таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳўжалик томонидан 50 сотиқ майдонда иссиқхона ташкил этилиб, ўн нафардан ортиқ киши иш билан таъминлангани, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» йилида тивувчилик-бичувчилик цехи ишга тушурилиб, бу ерда ҳам ўн нафардан ортиқ киши иш билан таъминлангани фикримиз тасдиқидир. Қувончлики, бу каби фермер ҳўжалиқлари вилоятимизда кўпчиликини ташкил этади.

Айтиш жоизки, вилоятда ўзининг тўрт ярим минг нафардан ортиқ аъзоларига эга бўлган Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг вилоят Кенгаши ҳам ислохотлар жараёнига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Партия фаоллари, маҳаллий кенгаш депутатлари халқимизнинг турмуш шароити учраётган айрим муаммоларни бар-тароф қилишда, уларга муносиб турмуш-шароитини яратишда чинакам фидойилик кўрсатмоқда. Термиз шаҳар кенгаши ташаббуси билан шаҳарда «Адолатчилар боғи» ташкил этилди. Шаҳардаги маҳалла гузарларини қуриш ва ободонлаштиришда партияимизнинг саккиз нафар депутати бош-қош бўлди...

Таъбир жоиз бўлса айтиш керак, Сурхондарёда ислохотлар жараёни шу зайилда давом этса, қисқа вақт ичида Термиз шаҳри республикаимизнинг «Жануб мўъжизаси»-га айланади.

Шу ўринда, баралла айтганимизки, «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаси иштирокчилари ва меҳмонларини қўчоқ очиб қўтиб олишга шайимиз. Шубҳасиз, мазкур катта байрам тадбири воҳамиз ҳаётида чуқур из қолдиради.

Ҳуррият шукуҳидан яшарган замин...

ёхуд Пастдарғомнинг порлоқ истиқболлини яратаётганлар хусусида

« Давоми. Боши 1-бетда

Ҳа, Самарқанд вилоятининг ижтимоий харитасидан салмоқли жой эгаллаган Пастдарғом тумани ва унинг маркази Жума шаҳри бугун чинакам яшариш ва янгиланиш даврини бошдан кечирмоқда. Қурилиш-ободончилик ишлари бош режа асосида олиб борилаётгани ҳамда коммунал, маданий-маиший эҳтиёжларни ўзида тўла қамраб олганлиги билан ҳам эътиборга лойиқдир. Иморатсозликда зарур тажрибага эга бўлган ўнлаб қурилиш ташкилотлари, лойиҳалаш ва меъморчилик идоралари ишда аниқ муддат ҳамда сифатли таъминлашга ҳаракат қилаётганликлари туфайли шаҳар-у қишлоқларда қисқа вақтда юзлаб кўркем иншоотлар бунёд этилди.

Чархин кўрғонидаги Автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи туманда истиқлол йиллари барпо этилган ўн тўрттинчи янги таълим даргоҳларидан бири. Минг нафарга яқин талаба ўқиб ўрганаётган мазкур коллеж маъмурияти ёшлар учун ҳамма шароитларни муҳайё эта олган. Амалий машғулот хоналари энг замонавий ўқув-тренажлари билан таъминланган. Эътиборлиси шундаки, бултур коллежини таъминлаган ёш мутахассислар ўз ихтисосликлари бўйича шартнома асосида деярли тўла ишга жойлаштирилди.

— Бунинг боиси шундаки, биз мутахассисга буюртмачи корхоналарнинг талаб-эҳтиёжларини чуқур ўрганиб бораёلمиз-дейди коллеж директори Мавлон Пармонов. — Бултур битирувчиларнинг анчагина қисми тумандаги йўлсозлик

идорасига ишга жойлашди. Энди улар йўл қуриш ишларида фаол иштирок этишмоқда. Бу мисолни бежиз таъкидлаганимиз йўқ, Пастдарғом туманида қишлоқларни ижтимоий ривожлантириш масаласига устувор вазифа сифатида қараб келинаётгани мутахассис кадрлар тайёрлашга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Туманда оз эмас, 166 та қишлоқ, юздан ортиқ маҳалла мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар биттасида айнан ёш мутахассислар иштирокида ҳал этилаётган ободончилик юмушлари бисёр. Энди қишлоқда яшаётганларни замонавий супермаркет, Интернет хонаси, гўзаллик салони билан ҳайратга солиш мушкул. Чунки Пастдарғомда шундай қўлайликлардан аҳоли ҳар қадамда баҳраманд.

Туман маркази — Жума шаҳридаги кенг кўламли ободончиликлардан маҳаллалар бағри яшнаб кетганлигини айтмайсизми. Бу ерда қисқа вақтда 800 га яқин бино ва иншоотлар қайта қурилди ёки таъмирланди. Туман ҳокимлиги ва солиқ идорасининг янги маъмурий бинолари, хусусий бизнес объектлари, савдо ҳамда маиший хизмат дўконлари шулар жумласидандир. Шаҳардаги салкам 5 гектарлик Истироҳат боғи қайтадан бунёд этилгани ҳам шаҳар маданий қиёфасига алоҳида мазмун бағишламоқда.

Салкам 700 та савдо ўрнига эга бўлган янги деҳқон бозори аҳоли учун кўпдан-кўп қўлайликларни яратмоқда.

Буларнинг барчаси — Мустақиллик иншоотлари. Истиқлолдан аввал маданий марказ деганда дала шийпонига, нурсиз, кўрмисиз кўларга кўзи тушган деҳқон ёки чорвадор



энди ўз қадрини, маданий-маънавий эҳтиёжларини қаердан излаш ва қондиришни билади.

— Янги қурилишларни амалга ошириш баробарида фуқароларда янгича турмуш маданиятини, кўникмаларини тарғиб этишга интиляпмиз, — дейди туман ҳокими Абдумўмин Жўраев. — «Микрокредитбанк»нинг туман бўлими ва бошқа тижорат банклари аҳолининг маданий-маиший эҳтиёж буюмлари — гилам, мебель, китоб, жавонлари-ю, компьютер, телевизорга харид қилиши учун зарур кредитларни ажратмоқда. Чунки обод, саришта, рўзғор бут уйларда қомил фарзандлар вояга етади.

Бу фикрларга қўшимча қилиб шунини айтиш лозимки, Пастдарғомда соғлом партиявий рақобат фуқароларда янгиланиш жараёнига нисбатан дахлдорлик ҳиссини қучайтириб ижтимоий юксалиш ва бунёдкорликларга туртки бермоқда.

— Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида муҳокама этилаётган масалаларни илгаригидек ихро ҳокимияти аппарати ҳодимлари эмас, сиёсий партиялар вакиллари бўлган депутатларнинг ўзлари мустақил равишда тайёрлаб, зарур қарорлар қабул қилинишига эришмоқдалар, — дейди ҳокимликнинг ташкилий ишлар гуруҳи раҳбари Жаҳонгир Очиллов. — Бу эса депутатларнинг, демакки, сиёсий партияларнинг бошқарувдаги иштирокини қучайтирмоқда.

«Адолат» СДП туман Кенгаши раиси Хонбуви Хайитованинг таъкидлашича, маҳаллий Кенгаш депутатлари бўлган партиядошларимиз ҳар соҳада фаол. Уларнинг депутатлик тақдирлари айниқса, санаят, транспорт қурилиши, коммунал соҳаларини ривожлантиришда кўл келмоқда. Шу туфайли яқинда туман Кенгашига бўлиб ўтган такрорий сайловлардан сўнг «Адолат» СДП вакиллик органида яна битта депутатлик ўрнига эга бўлди.

Ҳа, бугун Пастдарғомда ихро ҳокимияти идоралари ҳам, фуқаролик жамияти институтлари ҳам, жумладан, сиёсий партиялар ҳам намуна этишга арзигулик ишларга азму-шижоат топиб яқин ҳамкорлик қилишмоқда. Мухими, халқни улғу яратувчанлик ишларига сафарбар эта олишмоқда. Янги-янги ташаббусларга йўл очмоқдалар. Демак, бугун ва эртанги кунини ўз қўли билан яратаётган элнинг толеи баланд, турмуши обод ва фаровон бўлаверади.

Суратларда: тумандаги янги қурилиш-ободончиликлардан лавалар.



Ижтимоий ҳаёт

Аёлларга эъзоз ярашар

Тинчлик тамойиллари

Муҳаррам ДАДАХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши
Марказий апарати Хотин-қизлар ва
ёшлар билан ишлаш бўлим мудири.

туради. Масалан, "Адолат" СДП ташкил этилган 1995 йил хотин-қизларнинг партияга эъзозлиги 12 фоизни ташкил этган бўлса, бугун бу кўрсаткич 49 фоизни ташкил этиши ҳам фикримизнинг далилидир. Партия ташкилотлари, айниқса, "Аёллар" қаноти томонидан ташкиллаштирилган тадбирларда асосий эътибор аёлларнинг ҳуқуқлари, мамлакатимиз қонунчилиги ва халқаро қонун ҳужжатларида уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясига нечоғли аҳамият қаратилаётгани ҳамда ушбу ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти кенг тарзда тушунириб берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ва "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов

бекстон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган демократик сайловларнинг асосий тамойил ва андозаларидир. Ташкилий кафолатлар — жинсидан қатъи назар, депутатликка барча номзодлар учун сайловолди кампаниясини ўтказишда ҳамкорлик кўрсатишга доир қоидалардир. Ижтимоий-ахлоқий кафолатлар — ҳуқуқ ва эркинликларни тўғри тушуниш ҳамда уларнинг хотин-қизлар ва эркаклар томонидан фойдаланилишидир.

Республика парламенти томонидан 2004 йилда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасига сиёсий партиялар томонидан мамлакат парламенти депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг камида 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши ҳа-

қбул қилиниши натижасида, бугунги кунда олий қонунчилик идоралари, жойлардаги вакиллик органлари ва ижро ҳокимиятида тортиб суд-хуқуқ соҳасида, маҳаллий ва ўзини ўзи бошқариш тизимлари, нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар таркибида фаолият юритаётган аёллар сони сезиларли даражада кўпайди.

Жумладан, Олий Мажлиси таркибида 48 нафар сенатор ва депутат фаолият кўрсатаётгани, қарийб 332 минг аёл сиёсий партияларнинг аъзоси сифатида ўз салоҳиятини намойён қилаётгани, фуқаролик жамиятининг таянчи бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларда уларнинг фаол иштирок этаётгани — аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва таъсири ортиб бораётгани эътиборга лойиқ.

Гендер тенглигининг юридик жиҳатлари фақат тенг ҳуқуқлилики эмас, балки бу ҳуқуқларни амалга ошириш учун тенг имкониятларни ҳам таъминлашни тақозо этади. Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар тенглигини таъминлаш жараёни тартибга соладиган моддий нормаларни процессуал нормаларга айлантириш механизми ҳам босқичма-босқич яратилмоқда. Гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизларнинг қонун чиқарувчи ҳокимият органларидаги вакилиги даражасини ошириш мақсадида хотин-қизлар ташкилотлари ўртасида ҳамда хотин-қизлар масалаларига эътибор қаратилган сиёсий партиялар билан ўзаро таъсир ва ҳамкорлик тизimini яратиш зарурати туғилмоқда. Зеро, хотин-қизларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этиши аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш, таълим, экология ва бошқа соҳаларда уларнинг ўз сиёсий манфаатларини аниқлаш ва уларни босқичма-босқич шакллантиришни тақозо қилади. Зотан, миллий кадриятларимизда аёлларга эъзоз ва эътибор ҳамиша юксак бўлиб келган.

Мазкур Конвенция ҳамда Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва Оналикни муҳофаза қилиш ҳақидаги Конвенциялар ҳамда бошқа халқаро ҳужжатларга қўшилишимиз, Ўзбекистонда миллий қонунчиликка халқаро андозаларни имплементация қилишга ва давлат органлари фаолиятига халқаро амалиётни киритишга муҳим халқаро-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш ҳақидаги Конвенция қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, сайлов, оила, меҳнат, жиноят, маъмурий ва бошқа қонунчиликка имплементация қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида", "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари ҳамда ушбу фармонларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ҳам шулар жумласидандир.



Фахр билан айтиш жоиз, мамлакатимизда аёллар ҳуқуқлари борасидаги давлат сиёсати ҳам айнан шу йўналишларда шаклланиб, такомиллаштирилмоқда. Бу борда "Адолат" СДПнинг ҳам ўрни алоҳида. Партияимиз аёлларга эътибор ва улар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бошқа сиёсий партиялардан ажралиб

тўғрисида"ги қонунларида қайд этилганидек, эркаклар ва хотин-қизлар сайлов жараёнида тенг ҳуқуқлидир. Хотин-қизлар ва эркакларнинг амалдаги тенглиги сиёсий, ташкилий, моддий, ижтимоий-ахлоқий ва ҳуқуқий ворайлардан иборат кафолатлар тизими орқали таъминланган. Сиёсий кафолатлар — ўз-

қидаги қоида киритилган. Давлат ва нодавлат хотин-қизлар ташкилотлари ташаббуси билан миллий қонунчиликка киритилган ўзгаришлар, нодавлат хотин-қизлар ташкилотларини қўллаб-қувватлашга ҳамда аёлларнинг сиёсий жараёнларда иштирокини рағбатлантиришга қаратилган янги фармон ва қарорлар

Техник жиҳатдан тартибга солиш

миллий иқтисодийтимизни ривожлантиришга хизмат қилади

Конференция

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Adolat» мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан "Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ислохотлар: амалиёт, муаммолар ва истиқболлар" мавзусида конференция бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда депутатлар, вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йўналишни қўмита раиси Илҳом Насриев олиб борди.

Таъкидланганидек, бугун дунё иқтисодиётидаги глобализм ва мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиёт тизимига интеграциялашуви шароитида тегишли қонунчилик базасини мунтазам такомиллаштириш, уни халқаро норма ва стандартлар билан мувофиқлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини Жаҳон савдо ташки-

лотига аъзо бўлиш учун тайёрлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ислохотлар халқаро ҳуқуқ нормалари ва мамлакатимизни ривожлантириш моделини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бунда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 23 апрелда қабул

қилинган ва ишлаб чиқариш жараёнлари, ишлар ва хизматлар, маҳсулотларга талаблар қўйиш ҳамда қўлаш бўйича янги ёндашуви белгилаб берган "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган мазкур қонун фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини ҳимоя қилиш механизмини яратиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, миллий хавфсизликни таъминлаш, биринчи навбатда, мамлакатимизда техник ишлаб чиқаришнинг ҳимоя қилиш ва миллий иқтисодиётимиз манфаати учун илмий-техник фаолиятни амалга оширишга йўналтирилганлиги билан катта аҳамият касб этади. — Мамлакатимизда халқаро эътироф этилган принцип ва талабларга мувофиқ техник жиҳатдан тартибга солиш тизими мунтазам такомиллаштирилмоқда, — деди "Ўзстан-

дарт" агентлиги бош директори Абдуқоҳҳор Абдувалиев. — Хусусан, "Ўзстандарт" агентлиги томонидан ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган илмий институтлар ва ташкилотларнинг етакчи мутахассисларини жалб этган ҳолда тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикасини Жаҳон савдо ташкилотига аъзоликка қабул қилиш, техник тўсиқларни бартараф этишга кўмаклашадиган тизимни яратишга алоҳида эътибор берилмаётган.

Маълумки, "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига муҳокама учун тақдим этди. Унда Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари ва кодексларига ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритиш кўзда тутилган. Ушбу қонун лойиҳаси депутатлар томонидан концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда қабул қилинган бўлса-да, айрим амалдаги Қонун ва Кодексларга ўзгариш киритиш масалалари, юзга келиши мумкин бўлган баъзи муаммолар баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Шу боис конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган ва иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрланган "Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам мутахассислар билан бирга атрофлича кўриб чиқилди. Депутатлар ўзлари-

ни қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз дастурида соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни экологик муҳофазаси масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Шу билан бирга, миллий манфаатлар устунлиги ҳам устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Ҳўш, мувофиқликни баҳолаш нима учун керак?

— Маҳсулотлар ва хизматларни тақлиф қилишда ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, фойдаланувчилар ёки давлат назорат идоралари маҳсулотлар ва хизматларга нисбатан уларнинг сифати, экологик параметрлари, хавфсизлик, тежамкорлик, ишончлик, фойда ва самарадорлик тавсифлари билан боғлиқ ўзларининг муайян талабларига эга бўлади, — деди қўйи палатадаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Анвар Сулаймонов. — Мазкур хусусиятлар техник регламентлар, стандартлар ва бошқа ҳужжатлар талабларига жавоб бераётганлигини намойиш этиш жараёни, айнан мувофиқликни баҳолашдир. Мувофиқликни баҳолашнинг асосий вазифаларидан бири — инсон ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Шундай экан, бу партияимиз мақсад ва вазифаларига тўла мос келади.

Анжуманда техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш, аккредитация жараёни каби муҳим соҳаларни ривожлантиришга қаратилган ҳукумат дастурлари концепциясини тайёрлашга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

Гурур

Сўз — Мустақиллик
фарзандларига

Дилфуза МАҲКАМОВА,
Зулфия номидаги давлат
мукофоти совриндори.



Истиқлолнинг шабадалари эса бошлаган пайтда мен кичкина қизалоқ эдим. Бир кун буюм қўларимдан тутиб, "Болам, сени бугун байрамга олиб бораман", — дедилар. Шаҳар марказидаги майдонга етиб борганимизда сабрим чидамай сўрай бошладим:

— Бувижон, ана у қанақа қуш?

— Бу ҳумо қушининг рамзи.

— У қанақа қуш?

— Бу қуш тинчликнинг, мустақилликнинг тимсоли, болаимизнинг ўзи ҳумони кўрганмиз...

Ушунда мустақиллик сўзининг маъносига тушунмаган эдим... 1995 йил мактаб оstonасига қадам қўйганимда устозим, "сиз мустақил юрт фарзандларисиз" деганида, бу сўзнинг маъносини тўла англаб етишга аҳд қилгандим.

Болалагим юртимизнинг сўлим гўшаларидан бири Жиззахда ўтган. Унинг гўзал табиати, пурвиқор тоғлари, ўйноқи сойлари қалбда ажиб хис-туйғулари уйғотиб, кишини беихтиёр шеърят гулшанига етаклайди. Балки мана шу гўзаллик мени болаликдан шеърятга ошно этгандир. 2004 йил Республика ёш қаламкашларининг "Нафосат" кўрик-танловида голиб бўлганимда галаба нашидаси қандай бўлишини хис қилиб, келажакда бундан-да, юксак натижаларни қўлга киритишни, Истиқлолнинг ҳақиқий фарзанди бўлишни мақсад қилиб қўйгандим. Республика ёш ижодкорларининг Зо-

мин семинари, "Келажак овози" танловларида голиб бўлишим, "Атиргулим", "Оқ фасл", "Дийдор эпкин" номли шеъррий тўпламларимнинг нашр этилиши бугун юртимизда ёшларга берилган юксак эътиборнинг натижаси деб биламан. Камтарона меҳнатларим юксак баҳолашиб, Юртбошимиз томонидан таъсис этилган Зулфия номидаги давлат мукофотида сазовор бўлдим. "Қамолот" стипендияси ва "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури" совриндориман. Ҳозир Ўзбекистон Миллий университети магистрантиман. Мен бу ютуқларимни бежизга кетма-кет санаб ўтмадим. Чунки, муваффақиятларимнинг барчасини Истиқлол берган туҳфа деб биламан.

Юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Иқтидорли ёшларни рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган "Зулфия", "Нихол" Давлат мукофотлари, уч босқичли спорт мусобақаларида мен каби ёшлар ўз иқтидори ва салоҳиятини намойён этиб юксак марраларни забт этишмоқда. Ҳатто олис қишлоқларда ҳам энг замонавий билим даргоҳлари қад ростламоқда. Компьютер, интернет, ахборот-ресурс марказлари, спорт иншоотлари — буларнинг бари биз ёшларнинг ихтиёрида. Шундай экан, бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, юрт келажоғи учун муносиб ҳисса қўладиган кадрлар бўлиб етишиш ҳар бир ёшнинг ҳаётий шioriға айланмиш лозим.

Мамнуният

Феруза ДЕҲҚОНОВА,
Марғилон шаҳар
политехника касб-хунар
коллежи ўқувчиси.



Икки нарса менга гурур ва илҳом бағишлайди. Бири, Ўзбекистон деб аталмиш хур диёрнинг фарзанди эканим бўлса, иккинчиси истиқлол тенгдоши бўлганимдир.

Қарангки, мустақиллик шарофати билан биз ёшлар ҳам мамлакат сиёсий ҳаётида фаол қатнашиш имкониятига эга бўлдик. Сиёсий фаоллигимизни мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар кўмағида намойён этишдек бахтга муяссармиш. Мен ҳам ана шундай бахтиёр ёшлар қаториданман. Сиёсий фаоллигимни Ўзбекистон "Адолат" СДП орқали кўрсатмоқдам.

Мустақиллик бизга ана шундай дорилмомон замона яшаш, ўқиш имкониятларини берди. Демократик ҳуқуқий жамиятимизда ҳаётий қарашларимизга мос сиёсий партиялар сифида бемалол фаолият олиб боришга имкониятлар эшигини очиб берди. Ўзим таҳсил олаётган Марғилон шаҳар по-

литехника касб-хунар коллежидан "Ёш адолатчилар" қаноти раиси сифатида фаолият олиб бораётганим фикримга ёрқин мисол бўла олади. Юртбошимиз раҳнамолирида мамлакатимизда биз ёшларга яратиб берилган шарт-шароитлар, чексиз имкониятлардан беҳад мамнунмиш. Ҳукуматимиз томонидан мамлакатимизда олиб борилган ислохотларни барча тенгдошларим қатори мен ҳам қўллаб-қувватлаб, Ватаним равақи йўлда ўзимнинг бор куч-гайратимни, билим ва салоҳиятимни бахшида этишга доимо тайёрман.



Жараён

Маълумки, лойиҳаларнинг ва қўлланилаётган қурилиш маҳсулотларининг сифати, қурилиш ва ишлаб чиқариш ташкилотларининг муҳандис-техник ходимлар ва малакали ишчилар билан таъминланганлиги ҳамда назорат тизимининг режали ташкил қилиниши қурилишда сифат кўрсаткичларини яхшилашнинг асосий омиллари ҳисобланади.

Шинам ва кўркам иншоотлар мамлакатимиз қудратидан далолат

Бунёдкорлик

Илҳом МИРЗАРАХИМОВ,
Фарғона вилоят Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси бошлиғи,
Дауэр ЖОЗИЛОВ,
«Adolat» мухбири.

Инспекция фаолиятида асосий эътибор қурилишда юз бериши мумкин бўлган камчилик ва нуқсонларнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, аввало, пудратчининг ишлаб чиқаришдаги назоратини ташкил этади. Шунингдек, назорат тизимининг бошқа иштирокчилари фаолиятини алоҳида ўрганиб, уларга методик ёрдам беради ва тушунтириш ишлари олиб боради. Фарғона вилоят Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси томонидан ўтган йил 535 та қурилиш объектларида назорат ишлари олиб борилди. Натихада вилоятда давлат инвестициялари ҳисобига қурилган объектлар тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ юқори сифат билан фойдаланишга топширилди. Хусусан, «Файз Бинокор Олтиариқ» МЧЖ томонидан қурилган Кўкон шаҳрида «Ипотека банки» бўлими ва 32 хонадонли 2 та турар-жой бинолари, Бувайда тумани Бекобод қишлоғида компьютер технологиялари ва сервис йўналишидаги 615 ўринли касб-хунар коллежи, «Гарант АЙК Сервис» МЧЖ томонидан қурилган Кўкон шаҳридаги 7-сонли мусиқа мактаби ва Фарғона шаҳридаги ОИТСга қарши кураш маркази, «ХИКМК-426» МЧЖ томонидан қурилган Риштон туманидаги иқтисодиёт ва сервис йўналишидаги 615/50 ўринли касб-хунар коллежи объектлари алоҳида сифат кўрсаткичлари билан фойдаланишга топширилгани тахсинга лойиқ.

Албатта, олиб борилаётган профилактик ишларга қарама-дан қурилишда қоида бузиш ҳолатлари ҳам кўп бўлиб учраб туради. Кўпол хатоликлар аниқланган 119 та объектда айрим иш турларини бажариш камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйилди. Инспекция томонидан берилган ёзма кўрсатмаларни муддатда бажармаслик, зилзилабардошлик меъёrlарини бузиш, сертификатланмаган маҳсулотлардан фойдаланиш ва сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳолатлари бўйича «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги қонунга асосан пудрат ташкилотларига нисбатан жарималар қўлланилди. Кува туманидаги «Жўрабек

Яқубов» МЧЖ, Риштон туманидаги «ХКМК-85» МЧЖ ва «ХКМК-540» МЧЖ, Фарғона шаҳридаги «Фарғона Аслбек Файзи» х/к, «Фартибурилиш» х/к, Фарғона туманидаги «Шерзодбек қурилиш имкон» МЧЖ ва «Фарғона Хинжиан адиле интернейшнел трейд» МЧЖ шулар жумласидандир.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳам профилактика ишлари олиб борилиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш ва улар фаолиятида йўл қўйилиши мумкин бўлган қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича «ишонч телефонлари» ўрнатилган. Қолаверса, бевосита жойларга чиқилиб, тадбиркорлик субъектларида тушунтириш ишлари олиб борилди, меъёрий техник ва технологик ҳужжатлар ва зарур ўлчов воситалари билан таъминлаш учун амалий ёрдам кўрсатилди.

Инспекция таркибида «Ўз-стандарт» агентлигидан белгиланган тартиб асосида аккредитациядан ўтказилган қурилиш маҳсулотларини синаш лабораторияси фаолият кўрсатиб келмоқда. Лаборатория қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ва пудрат ташкилотлари билан тузилган шартномалар асосида маҳсулотлар ва бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг сифати бўйича даврий, амалий, назорат ва сертификатлаш синовларини Давлат стандартлари талабларига мувофиқ ҳолда амалга ошириб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қатъий бажарилишини назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижроси ҳам инспекция фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Мутахассислар туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ишчи комиссиялари билан ҳамкорликда мунтазам иш олиб бориши натижасида 2010 йилда 791 та объектлар хатловдан ўтказилиб, 409 та объектларни янги лойиҳа таклифлари асосида реконструкция қилишга ва 382 та ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш юзасидан туман ҳокимликларига тавсиялар берилди.

Хуллас, мамлакатимиз ҳудудларида тикланаётган бири-биридан шинам, кўркам иншоотлар юртимиз қудратидан далил эканлигини чуқур ҳис этган «Давархитектқурилишназорат» Фарғона вилоят инспекцияси жамоаси соҳада назорат тизими фаолиятини замон талаблари мезонлари даражасида ташкил этишда астойдил бел боғлашган.

Шаҳардаги автошоҳбekaтга етиб келганимда соат эндигина еттидан ошган эди. Тўғрироғи, қаерга боришимни ўзим ҳам яхши билмасдим. Эрталабдан ўз юмушига берилиб кетган пойабзал таъмирловчи йигит атрофга аланглаб турганини сездим шекилли «Ассалому алайкум меҳмон-мисоз, опа!» — деди. Саволига тасдиқ жавобини олгач, «барибир Тошкент қиройли шаҳарда, лекин марғилонимиз ҳам кейинги йилларда жуда қиройли бўлиб кетди», — деди у бошини хиёл қийшайтирган ҳолда тепага кўтариб. Бу билан наздимда «биз ҳам ҳеч кимдан кам эмасмиз» дегандек бўлди гўё.

— Хойнаҳой Сиз ҳам ёдгорлик корхонасига келгансиз, шундайми, — деди шукбатдошим савол назари билан менга қараб.

— Яқинда бир гуруҳ сайёҳлар ҳам келиб кетишди, — қўшиб қўйди.

— У ерга бориш учун қайси автобусга ўтирганим маъкул?

Қояга чиққан чўққини кўзлар

2011 — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

Ғулом ХИДИРОВ,
«Adolat» мухбири.

Президентимиз Ислоҳ Каримов 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 январь кунини бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда аҳолига хизматлар кўрсатиш ҳиссаси 37 фоиз бўлган бўлса, бугунга келиб бу рақам 49 фоизга ўсганини алоҳида урғу билан таъкидлаганди.


Шубҳасиз, бу ўсишда барча хизмат тизимлари қатори автомобилларни таъмирлаш, ювиш, ёнилғи қуйиш каби хизмат турлари кўрсатаётган соҳа жамоаларининг ҳам муносиб улуши бор. Жумладан, «Бекобод супер сервис» масъулияти чекланган жа-

555 минг АҚШ доллари ҳажмида Хитойдан келтирилган энг технология ускуналар ўрнатилмоқда.

— Ишларингиз юришиб турганда, қояга чиққан одам чўққини кўзлар деганидек, фаолиятингизни янада кенгайтириш ҳақида ўйларкансиз, — дей-

кўп, харидор ҳам. Шу боис, биз бу соҳада ишлаб чиқариш ҳажмининг янада кўпайтириш учун яна бир такомиллашган замонавий линия харид қилаямиз. Насиб этса, 195 минг 700 АҚШ доллари ҳажмида Хитой Халқ Республикасидан ана шу линияни яқин кунларда олиб келишга тайёргарлик кўраямиз...

Директорнинг мамнуният билан гапирганича бор. Хар икки МЧЖда ишлар кўнгилдагидек кетмоқда. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги нишонланадиган қутлуг йилнинг биринчи чораги натижалари уларда чакки бўлмади. Хизмат кўрсатиш топшириқлари барча кўрсаткичлар бўйича 110-115 фоизга урдланди. Янгидан ўнлаб иш жойлари пайдо бўлди. Ишчи-хизматчиларга яратилган қулай шарт-шароитлар уларни янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга ундаб, апрель ойи топшириқлари ҳам барвақт ошириб ба-



миз томонидан йил сайин хусусий тадбиркорлик ҳамда кичик бизнес билан шуғулланишнинг астойдил ният қилганларга кўрсатилаётган беқиёс ёрдам самарасидир. Йўқса, шаҳримиз ҳудудидан илгари худди

рим ортиқча қоғозбозликлар учраб турибди. Давлатимиз раҳбари ҳар доимгидек бу йил ҳам, хусусан, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиш, улар фаолиятини ортиқча текширишлардан чеклаш, иш юритиш ҳужжатларини соддалаштиришга йўналтирилган янги-янги қарорлар, фармонлар қабул қилаёпти, ишончим комил, бу муаммолар ҳам тез орада ўз ечимини топади.

Бекободлик тадбиркорлар ва кичик бизнес соҳиблари амалга ошираётган қатор ижобий ишлар ҳамда улар олдида турган муаммоларни таҳлил қилиб, Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида айтган бир гапини эсладик: «мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай иш-чан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим». Ва ана ўшанда деганди: «...бу фаолиятнинг амалдаги ривожланиш сураятлари барча даражадаги ҳокимлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланиши даркор». Зеро, таъбир жоиз бўлса, бугун фаол саъй-ҳаракатлари билан қояга чиққан бекободлик тадбиркорлар энди янада юксак-юксак чўққиларни кўзлаб турибдилар.



мият 2008 йилда рўйхатдан ўтиб самарали фаолият бошлади. Автомобилларга сиқилган газ тўлдирувчи мазкур шоҳбеча 189 минг АҚШ долларига тенг миқдорда чет эл сармоиси эвазига 2009-2010 йилларда қутилган натижаларга эришди олди. Илгари ташландиқ ҳолда ётган ерда қад кўтарган мазкур шоҳбеча тез орада 15 нафардан зиёд шаҳар ҳамда атроф қишлоқ ёшларини янги иш жойлари билан таъминлади. Айни кезде жамият қозиди газли сув, яхна шарбат ва идилларга қадокланган чой ишлаб чиқариш цехини ҳам ишга туширишга бел боғлашди. Шу кунларда бу ерга



ди жамият директори Ғайрат Каримбоев. — Енимизда фойдаланилмай ётган қаровсиз 2 та бино бор эди. Биз уни ўз тасарруфимизга олиб, қайта таъмирладик. Ховлиси ичидан 40 метр чўққилда артезиан қудуғи қазиб сув чиқардик. Канализация тармоқлари ўрнатдик. Ҳозир бу ерда музқаймоқ тайёрлайдиган цехимиз ҳаракатга келди. Унга «Шоҳона бизнес класс» масъулияти чекланган жамият деган янги ном бердик. Бу ерда ҳам 25 нафар яқин атрофдаги қишлоқ ёшлари мўқим иш жойларига эга бўлдилар. Бугунги кунда оз эмас, кўп эмас, 12 турда маҳсулот ишлаб чиқараямиз. Уларга буюртма ҳам

жарилди. Боз устига, уларнинг кўзга ташланмоқда. Ҳар бири киши ойига камида 300-400 минг сўмдан маош ола бошлади.

Жамоаларнинг орзулари кўп. Келгусида яна бир қаровсиз ётган ерда бунёдкорлик ишлари олиб бориб, сут ва сут маҳсулотлари ҳамда қандолат ишлаб чиқарувчи наватбатдаги цехини барпо этишни кўзлаб турибдилар.

— Шунда уларда яна 20-25 нафар қишлоқ йигит-қизлари янги иш жойлари билан таъминланади, — дейди шаҳар ҳокими Мамасобир Бухорбоев. — Буларнинг ҳаммаси шаҳсан, Президентимиз ва ҳукумати-

чиришли кўрпага тушган беўхшов ямоқдек ташландиқ ётган ерлар қайдан обод бўларди? Ҳар икки жамоанинг тадбиркор аъзолари ташаббуси билан мана шундай кўркам бинолар, хизмат кўрсатиш шохбечалари пайдо бўлди. Қандини урсин!

«Жамоалар олдида муаммолар ҳам борми?» — деган саволимизга қорхона раҳбарининг жавоби қуйидагича бўлди: — Ҳозир, менимча, барча тадбиркорлар олдида битта муаммо бор: у ҳам бўлса, хорижий ускуналарни харид қилиш ва келтириб ўрнатиш жараёнида молия муассасалари томонидан маблағ конвертацияси масаласида ай-

корлик йили» деб эълон қилиниши ва бу йилда ушбу улушни 54 фоизга етказилиши назарда тутилаётгани тадбиркорлар учун айни кезде улкан масъулият юклайди, албатта. Истиқлол йилларида маънавий-моддий меросимизни асраб-авайлаш, миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатининг ноҳир ҳамда қадимий аъёнларини тиклаш, ривожлантириш, ёшлар ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Осиё тараққиёт банкнинг ипакчиликни ривожлантириш лойиҳаси асосида Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа, Тўртқўл, Беруний туманларида 300 дан ортиқ ёшларга ипақдан мато ишлаб чиқариш хунари ўргатилмоқда. Лойиҳа асосида ушбу ҳудудларда тут плантацияларини яратиш, пиллачликка ихтисослашган саноат корхоналарини ишга туширилиши назарда тутилган.

Зеро, давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси Мажлисида таъкидлагандек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфини шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди».

Мулкдорлар — янгиликларнинг ишончли таянчи

Ғулом МУРОДОВА,
«Adolat» мухбири.

Фарғона водийси қадим-қадимдан ўз ҳунармандлари-ю уларнинг қўлида жило олган ипак матолари ила машҳур. Бугунги кунда Марғилоннинг адраси, беқасам тўни кириб бормаган юрт, мамлакат бўлмаса керак. Яқинда ота-онани зиёрат қилгани Фарғонага бордим. Тошкентга қуруқ қайтмай, ҳар ҳолда бирор-бир мақола билан борсам яхши бўлар, деган мақсадда ҳунармандлар шаҳри Марғилонга йўл олдим.

— сўрадим.

— Ие, қанақа автобус, чорраҳадан кейинги чапдаги кўчага кириң...

«Ёдгорлик» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аъзамхон Абдуллаевни корхонанинг пиллачлик шоҳбечасидан топдим. Ундан зиёд ишчилар ишлаётган шоҳбечадан пилла навлари сараланиб, махсус қозонларда ипак олишга тайёрлаш учун қайноқ сувда пишириб олинган, тайёр ипак мошпарга галтакларга ўралди. Қалаваланган ипак қозонда махсус моддалар билан оқланиб, йигирув-пишитув шоҳбечасига узатиляпти.

— Шоҳбечамизда керакли қалинликда эшилган ипак толаридан даврақашлик шоҳбечасига узатилади, — дейди ҳамроҳим Муножотхон Турсунова, мана бу аврандлик бўлими, — таништиришда давом этиб наватбатдаги шоҳбечага етказилди, у.

— сўрадим.

— Ие, қанақа автобус, чорраҳадан кейинги чапдаги кўчага кириң...

«Ёдгорлик» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аъзамхон Абдуллаевни корхонанинг пиллачлик шоҳбечасидан топдим. Ундан зиёд ишчилар ишлаётган шоҳбечадан пилла навлари сараланиб, махсус қозонларда ипак олишга тайёрлаш учун қайноқ сувда пишириб олинган, тайёр ипак мошпарга галтакларга ўралди. Қалаваланган ипак қозонда махсус моддалар билан оқланиб, йигирув-пишитув шоҳбечасига узатиляпти.

— Шоҳбечамизда керакли қалинликда эшилган ипак толаридан даврақашлик шоҳбечасига узатилади, — дейди ҳамроҳим Муножотхон Турсунова, мана бу аврандлик бўлими, — таништиришда давом этиб наватбатдаги шоҳбечага етказилди, у.

Каттагина хонада 5-6 нафар йигит махсус ажратиб олинган ўлчамдаги ипакларга нақш

чиширдиди.

Мен ҳар бир ипни алоҳида алоҳида санаб, керакли ранг билан беаэтан ёш авранд рессом Умиджон Азизовни сўзга тутаман. У эса қисқа жавоб қилади.

— Бир оз эътиборсиз бўлсангиз нақшдаги ранглар ипакга тўғри тушмайди ва нафақат менинг, балки бутун жамоамиз иши йўққа чиқади...

Инсон ақли ва қўли билан не-не мўъжизалар яратмаган, дейсиз. Ипақдан газламалар тайёрлаш жараёнининг наватбатдаги шоҳбечасига кирганимизда бунга яна бир қарра амин бўлдим. Ёғоч ускуналардан иборат қўл дастгоҳларида гулбардорлар ва тўқувчи қизлар сўнгги пардоз ишларини амалга оширишарди. Корхонада уста-шоғирд анъанаси яхши йўлга қўйилганлигини бу ерда ҳунар ўрганиш мақсади билан келган йигит-қизларнинг кўпчилигидан билиш қийин эмасди. Агрисаноат коллежининг иккинчи курс талабаси Мухторжон Хошимовнинг айтишича, 14 ёшидан буён гулбардорлик билан шуғулланади. Дарсдан бўш пайтлари эса шу ерда ишлайди.

— Бугунги кунда ишлаб чиқарган маҳсулотлари АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Исроил, Ливан, Япония, Австралия ҳатто Африка давлатларига ҳам етиб борган корхона фаолиятида мустақил мазкур соҳанинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 52 фоиздан ошганидан ҳам билса бўлади. Жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбир-

корлик йили» деб эълон қилиниши ва бу йилда ушбу улушни 54 фоизга етказилиши назарда тутилаётгани тадбиркорлар учун айни кезде улкан масъулият юклайди, албатта. Истиқлол йилларида маънавий-моддий меросимизни асраб-авайлаш, миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатининг ноҳир ҳамда қадимий аъёнларини тиклаш, ривожлантириш, ёшлар ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Осиё тараққиёт банкнинг ипакчиликни ривожлантириш лойиҳаси асосида Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа, Тўртқўл, Беруний туманларида 300 дан ортиқ ёшларга ипақдан мато ишлаб чиқариш хунари ўргатилмоқда. Лойиҳа асосида ушбу ҳудудларда тут плантацияларини яратиш, пиллачликка ихтисослашган саноат корхоналарини ишга туширилиши назарда тутилган.

Зеро, давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси Мажлисида таъкидлагандек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфини шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди».

Таълим ва тиббиёт

Ёш авлод камоли давлат эътиборида

Маънавият

Хабибулла ИСМОИЛОВ,
Имом Бухорий номли Тошкент
ислом институти талабаси.

Буюк файласуф бобомиз Абу Наср ал Форобий “Бахт-саодатга эришув” номли асариди: “Давлат ва муаллим — ҳар иккови ўз йўл-йўриқларига кўра халқ ҳамда болаларга тарбия берувчи мураббийлардир”, — деб ёзган эди. Давлат қурилиши назарияси ва амалиёти тўғрисида теран илмий дурдоналар қолдирган бошқа мутафаккирлар ҳам ўз асарларида у ёки бу шаклда мамлакат тараққиётида навқирон авлод иштирокига оид муҳим жиҳатларни очиб берганлар.

Амир Темури ҳазратларининг “Тузуқлар”, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Мирзо Бобурнинг “Бобурнома”, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий”, Огаҳийнинг “Гулшани давлат” асарларида ҳам жамиятнинг гултожи саналмиш инсон, унинг моддий ва маънавий манфаатлари, шу жумладан, ёш авлод камоли улуғланади.

Президентимиз раҳбарлигида истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ ёшлар, уларнинг юксак гоъвий камоли ҳақида гамхўрлик қилиб келинмоқда. Хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш, навқирон авлоднинг ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳар бир ўғил-қиз ўз қобилияти ва салоҳиятини намойиш этиши, юксак педагогик технологиялар асосида билим олиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. “Янги авлод”, “Келажақ овози” ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилаётган кўрик-танловлар, “Баркамол авлод”, “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар юзлаб ёш истеъдод эгаларини кашф этиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлаётди.

Президентимизнинг 1992 йил 28 февралда қабул қилган “Республикада янги ўқув юртлирини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармони ана шу йўлдаги муҳим қадам бўлгани ва бугунга келиб ўша ҳаракатлар ўз ҳосилини бераётганига гувоҳимиз. Унга

биноан 1992 йил 15 мартдан виллоятлардаги педагогика институтларида университет мақоми берилди. Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети, Тошкент авиация институти, Ислам университет, Банк-молия, Солиқ академиялари асос солинди. 2002 йилнинг июль ойида эса Тошкентда Халқаро Вест-министер университети иш бошлади.

Мамлакатимизнинг навқирон авлоди ўз куч ва имкониятларини илғи тўқ макро ва микроиқтисодий бунёд этиш билан бирга давлат бошқарувида, икки палатали парламент фаолиятида, фанда, ижтимоий соҳалар раҳнасида, маданият ривожига кўрсатмоқда.

Бугун Ўзбекистон наинки иқтисодий жадал юксалаётган, жаҳон ҳамжамиятидан мустақам ўрин эгаллаётган, энг муҳим халқаро ташаббусларнинг муаллифи бўлган суверен мамлакат, балки тобора энг юксак шохсупаларни эгаллаётган спорт Ватани сифатида ҳам ном қозонмоқдаки, бу тўғри танланган йўл, эртанги кунни ўйлаб олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасидир. Истиқлолдан кейин Оксана Чусовитанининг Барсе-



лона, Лина Черязованинг Лилехаммер, Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг Сидней, Александр Доктуришвилининг Афина олимпиадаларида олтин медаллари давлатимиз ўз ёшларининг камолига нақадар гамхўрлик қилаётганидан ёрқин далолатдир. 2004 йилнинг 13 июлида ўзбек ўғлини Рустам Қосимжонов Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) таснифи бўйича 17-жаҳон чемпиони бўлди. Ирода Тўлаганова, Татьяна Малинина, Артур Григорян, Абдулла Тангриев, Равшан Эрматов каби ёшларимизнинг ҳар бири спорт соҳасининг бир дostonига татийди. Бу жаҳоншумул ғалабаларда мамлакатда яратилган уч босқичли болалар, ўсмирлар, талабалар спорт тизими — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт ўйинлари муҳим ўрин тутмоқда.

Бугун дунёнинг айрим минтақаларида рўй бераётган ноҳуш манзаралар — болалар савдоси, уларнинг ҳаётига таъжовуз қилиш, зўравонлик, гавровга олиш, хўрлаш каби ғайриинсоний ҳодисалар рўй бераётганидан хабардоримиз. Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра, дунёнинг

нотинч минтақаларида сўнгги 8 йилда икки миллиондан зиёд бола бевоқиф қуролли тўқнашувлар натижасида ҳаётдан кўз юмган. Минглаб болалар ота-онасиз, бошпанасиз ва қаровсиз қолган. Айрим давлатларда болалар ўртасида жиноятчилик, қотиллик, гиёҳвандлик, талончилик, ўғрилик каби иллатлар кенг тарқалаётгани ташвишлидир. Юртимизда осойишталик ва фаровонликни таъминлашга қаратилган ислохотлар инсон манфаатлари учун, аввало, ёшларимизнинг бахтли ҳаёт кечирishi, соғлом камол топиши учун хизмат қилаётгани кишини қувонтиради.

Хулоса қилиб айтганда бугун Ўзбекистонда инсон, биринчи навбатда ёшлар манфаатлари, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт ўйинлари муҳим ўрин тутмоқда. Бугун дунёнинг айрим минтақаларида рўй бераётган ноҳуш манзаралар — болалар савдоси, уларнинг ҳаётига таъжовуз қилиш, зўравонлик, гавровга олиш, хўрлаш каби ғайриинсоний ҳодисалар рўй бераётганидан хабардоримиз. Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра, дунёнинг

Муҳаммад Хоразмийдан тортиб Ҳабиб Абдуллаевгача, Абу Наср Форобийдан тортиб Иброҳим Мўминовгача, Имом Бухорийдан тортиб Алихонтўра Соғунийгача, Алишер Навоийдан тортиб Нодир-бегимгача, Абдулла Қодирийдан тортиб Абдулла Қаҳҳоргача, Чўлпондан тортиб Зулфияхонимгача бўлган улкан илмий, фалсафий, адабий, эстетик меросни теран ўрганмоқдамиз.

Шарқ маънавияти солномада янги давр онган буюк бобомиз Мирзо Абдулқодир Бедил ҳазратлари донолик билан “занг босиб хира тортидан кўзгудан аҳвол сўраш ўрнига эртага отадинг оппоқ тонгни кўпроқ ўйлашни” ўқитирибди. Бугун мустақил мамлакатимизда бешиқдаги чақалоқдан тортиб юз билан юзлашган отахон ва онахонлар турмушини тўқис, тугал қилиш баробарида истиқбол соҳибларининг билим олиши, касб эгаллаши, спорт ва санъат билан шуғулланиши, энг муҳими — Ўзбекистон деб аталган умумий, тинч, тотув уйда бахтли яшаш олий қадриятга айланганига нафақат ўзимиз, балки бутун дунё аҳли ғувоҳ бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди
**ГРАНТ ОЛИШ УЧУН
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг “Атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, республика минтақаларидаги экологик ҳолатни соғломлаштириш борасидаги ишларда аҳоли ва ННТларни фаоллигини ошириш”га қаратилган кўйидаги йўналишлардаги лойиҳалари қабул қилинади:

- экотуризмни ривожлантириш, аҳолининг экологик саводхонлиги ва маданиятини ошириш, табиатдаги биохимла-хиллигини сақлаб қолши ва ундан фойдаланиши;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликни бажариш бўйича давлат муассасалари ва корхоналари фаолияти устидан жамоатчилик экологик назоратини ўтказишда ННТларни жалб қилиш;
- мамлакатда туризм формал ва ноформал ўқитиш шаклларида узлуксиз экологик таълим системасини жорий этиш;
- аҳолининг туризм ижтимоий қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, шўрлигини камайтириш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш;
- номақбул экологик омиллар натижасида келиб чиққан касалликлар профилактикаси;
- ижтимоий-экологик роликларни кашф этиш;
- экологик жиҳатдан номақбул минтақалардаги (Орол бўйи ва бошқа) аҳолини иқлим ўзгаришига мослаштириш.

Танловда қатнашиш учун кўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига ариза билан ихтиёрий шаклда тузилган қузатувчи хат;
2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида келтирилган шаклда грант лойиҳасининг аризаси;
3. Ташкилотнинг руйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳамма ўзгаришлар ва қўшимчалар билан).

Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб бир ой мубайнида қабул қилинади. Ҳужжатлар 2011 йил 31 май соат 16.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатида олинган Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган (ёпиқ) конвертда (А4 формат): “100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёкор кўч., 1-уй” манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига юборилиши шарт. Ҳужжатлар юборилган санага нонга муҳрига қараб эътиборга олинади. Ҳужжатларни бевоқиф жамоат фондида топширишда, улар ҳар кунни (шанба ва яшанба кунлардан ташқари) соат 09.00 дан 17.00 гача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Рухсатномалар бюросида қабул қилинади.

Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан жамоат фондининг расмий сайтида: www.fundngo.uz, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Ижрочи девониди танишиши мумкин (тел.: 239-26-64; 239-26-76).

Замонавий тиббиёт воситалари намоиши

“Ўзэкспомарказ”да ўн олтинчи “Соғлиқни сақлаш — ТИМЕ”, олтинчи “Артекаехро — 2011” фармацевтика саноати ва “Stomatology Uzbekistan — 2011” халқаро кўргазмалари давом этмоқда.

Асқар ҲУБОВ,
ЎЗА олган сурат.

Кўргазмалар ITE Uzbekistan халқаро кўргазма компанияси томонидан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Ўзтибтехника” масъулияти чекланган жамияти каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Такомиллашаётган ва жадал янгилашиб бораётган тиббиёт янгиликларини амалиётга татиқ этиш, тиббиётимизнинг салоҳиятини юксалтиришда аънанавий тарзда ташкил этилаётган тиббиёт кўргазмалари муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тадбирлар ишлаб чиқарувчилар ва тиббиёт соҳаси вакиллари узаро таъриба алмашиши, янги тиббий технологиялар ва илм-фан ютуқларини намоиш этиш учун қулай имкониятлар яратди.

Мазкур кўргазмаларда юртимиз ҳамда дунёнинг 26 мамлакатидан бир юз қирқдан зиёд компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Хитой, Япония, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Венгрия, Ҳиндистон ва бошқа бир қатор мамлакатлардан ташриф буюрган ишлаб чиқарувчилар қўллаб-қувватлаш воситалари, тиббиёт, фармацевтика ва стоматология соҳасидаги энг янги техник, технологик ва илмий ютуқларни намоиш этмоқда.

Жанубий Кореянинг “Samsung Medison” компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган ультратовуш тахлил аппаратлари дунёнинг

қўллаб-қувватлаш воситалари, тиббиёт кўргазмасида мамлакатимиз корхоналарининг иштироки ҳам кенгайиб бормоқда. Қатнашчиларнинг қирқ фоизидан кўпроги Ўзбекистон корхоналари ҳиссасига тўғри келиши ҳам мамлакатимизда тиббиёт соҳасидаги тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор самараларидандир.

Пойтахтимиздаги “Magnum medical servis” масъулият чекланган жамияти — ушбу кенг имкониятдан оқилона фойдаланиб, жадал ривожланаётган ишлаб чиқарувчилардан бири. Ультратовуш билан даволаш аппарати, қон тўхтададиган каогулятор, физиотерапия муолажаларини ўтказиладиган тиббий воситалар, кўп функцияли кроватлар, ноғиронлар аравачалари ва бошқа жиҳозлар шулар жумласидандир. Ушбу маҳсулотлар учун ҳомашё ва бутловчи қисмлар асосан маҳаллий корхоналардан олинаётди.

“Артекаехро — 2011” олтинчи Марказий Осиё халқаро иқтисодлаштирилган кўргазмаси, “Stomatology Uzbekistan — 2011” кўргазмасида ҳам дори воситалари ва материаллари намоиш этилмоқда.

Ушбу ҳафталик тадбир доирасида тиббиётнинг бир қатор йўналишлари бўйича илмий-амалий анжуманлар ҳам ташкил этилади.

Суратда: кўргазмадан лавҳа.



Тезкор, қулай ва ишончли


Ёлқин ШАМСИДИНОВ,
ЎЗА олган сурат.

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари, Ўзбекистон банклари ассоциацияси каби ташкилотлар томонидан “BankEXPO — 2011” банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари йиллик миллий кўргазмаси очилди. Унда Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг етакчи банклари, молия, инвестиция, сўғурта институтлари, кредит уюшмалари иштирок этмоқда.

Ҳозир юртимизда ўттиздан зиёд банк фаолият юритмоқда. Тижорат банкларининг тўққиз мингдан зиёд филиал ва минибанклари мижозлар хизматида. Банкларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси ошиб, аҳолининг банк хизматлари, хусусан,

тижорат банки ўзининг 185 филиали ва 383 минибанки орқали 1,5 миллион аҳоли ва 300 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатмоқда. Хизмат кўрсатишнинг тезкорлигида ҳар бир мижознинг кредит тарихи мавжудлиги қўл келаётди. Бунда мижознинг аввалги кредитларини ўз вақтида тўлагани алоҳида эътиборга олинади. Банк жорий йилнинг ўтган даврида фермерларга балиқчилик, боғдорчилик, паррандачиликни ривожлантириш ва иссиқхоналар қуриш учун 80 миллиард сўм миқдорда кредит ажратди.

“BankEXPO — 2011” кўргазмаси давомида банк тизимига замонавий, янги хизмат турларини жорий этишга оид семинарлар ва банк-кредит тизими мутахассислари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ўтказилади.



Сўнгги саҳифа

Холит бобо ўғитлари

9 май — Хотира ва Кадрлаш куни

Холмурод САЛИМОВ, ЎЗА мухбири

Истиқлол йиллари мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, бугун ораимизда яшаётган уруш қатнашчилари ва ногиронларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 22 апрелда қабул қилинган фармонига мувофиқ Хотира ва Кадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг пул муқофотлари билан тақдирланиши уларга кўрсатилаётган эҳтирмонинг яна бир ёрқин намунасидир.

Юртбошимиз томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва ғамжўрлик уларнинг кўнглини янада кўтармоқда. Буни бу йил 90 ёшни қарши олиб, турмуш ўртоғи Маҳбуба опа билан пиру бадавлат ҳаёт кечираётган тошкентлик Холит бобо Олимжонов ҳаётида ҳам кўриш мумкин.

Холит Олимжонов Иккинчи жаҳон урушидан қайтгач, узок йиллар "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси тизимида меҳнат қилди. Отагон айна кунларда пойтахтимиздаги таълим му-

ассасаларида ўтказиладиган турли тадбирларда фаол иштирок этиб, ёшларга ўз ҳаётий тажрибаси ҳақида сўзлаб беришдан қарчамайди.

— Мамлакатимизда аҳоли, жумладан, ёшларнинг ўқиб-изланиши, спорт билан шуғулланиши, касб-хунар эгаллаши учун яратилган замонавий шарт-шароитларга ҳавас қилса арзийди, — дейди Холит бобо. — Биз, уруш қатнашчилари давлатимизнинг юксак эътибори ва ғамжўрлигини доимо ҳис қилиб яшаёмиз. Хар йили юртимиздаги санаторийларда бепул дам олиб, соғлигимни мустаҳкамлайман. Замонавий шарт-шароитларга эга бу шифо масканларида кексаларга кўрсатилаётган алоҳида ҳурмат-эҳтиромдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Дастурхонимиздаги тўқинликни, шод-хуррам навараларимиз кўрганымизда, шундай дорилмомон кунларга етказгани учун чин дилдан шукроналар айтаман.



Эртага — 30 апрель ва индин — 1 май кунлари Бухоро шаҳрида «Асрлар садоси» анъанавий фестивали бўлиб ўтади.

Асрларнинг боқий садоси

Фестиваль

Моҳиғул НАЗАРОВА, Бухоро.



Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ миллий маданият, санъат, илм-фанни ривожлантириш, бебаҳо миллий меросимизни қайта тиклаш, асраб-авайлаш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ҳамкорлигида Бухорои-шарифда ўтказилаётган «Асрлар садоси» тўртинчи анъанавий маданият фестивали бу борадаги ишларнинг узвий давоми, десак муболага эмас.

— Мен бу фестивалда иштирок этиш учун ўз ижодий қўлларимни аллақачон тайёрлаб қўйганман, — дейди гиждувонлик машхур кулол, Ўзбекистон Халқ устаси Алишер Нарзулаев. — Ўтган йили Хивада бўлиб ўтган фестивалда ҳам оила аъзоларимиз билан иштирок этиб, Гиждувоннинг ўзига хос кулолчилик ва каштадўзлик санъатини барчага намойиш қилгандик. Бу йили «Асрлар садоси» ҳам қадимий санъат, маданият, маънавиятимизнинг ўзига хос байрамига айланишига ишонаман...

— Мен бундан роппа роса 15 йил олдин меҳмон бўлиб келгандим, — дейди Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидан келган Нигора Зоирова. — Фестиваль баҳонасида Арк, Лабиховуз ва қатор бошқа тарихий ёдгорликларнинг таъмирланиб, янгича чирой касб этганидан, бу кўҳна ва доимо навжон шаҳарнинг бугунги гузал жомолидан жуда хурсанд бўлдим...

Дарҳақиқат, «Асрлар садоси» фестивалининг Бухоро шаҳрида ўтказилишида ҳам ўзига хос рамзий ва тарихий маъно мужассам. Негаки, бу муътабар замин азал-азалдан зардўзлик, қандакорлик, хатотлик, заргарлик, ипак толали гиламдўзлик, ёғоч ўймакорлиги каби миллий хунармандчилик мактаблари анъаналарига содиқлиги, бардавомлиги билан жаҳонда машхур.

Навбатдаги фестиваль давомида миллий либослар намойиши, безакли амалий санъат ва миллий матолар ярмаркаси, ошпазлар беллашуви, маърифий учрашувлар, илмий анжуман ва семинарлар, кўргазмалар, фольклор жамоаларининг кўрик-танлови, «Янги авлод», «Келажак овози» республика кўрик-танлови совриндорлари, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт ҳамда сайлар бўлиб ўтиши режалаштирилган. Шунингдек, полвонлар беллашуви, дорбозлар чиройи, кўлқари, хўроз, кўчкор уриштириш сингари халқ ўйинларига ҳам тадбирда кенг ўрин берилди. Бухоронинг қадим тарихи, шаҳарсозлик, меъморчилик анъаналарига доир маърифий суҳбатлар, анжуманлар бўлиб ўтади.

Ёш чемпион — Истиқлол тенгдоши

Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси ҳамдир

Ифтихор

Нурбек АБДУХАЛИЛОВ, «Adolat» мухбири.

Юртимизда спортни ривожлантиришнинг ўзига хос инфратузилмаси шаклланди. Дунёнинг кўплаб қитъаларида бўлиб ўтаётган турли спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз байроғини банд кўтараётган спортчиларимизнинг жисмоний, техник ва руҳий тайёргарлиги юксалиб бораётганлиги халқро жамоатчилиги томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда мамлакатимиз шаарафини муносиб ҳимоя қилаётган ёшлар талайгина. Ана шундай серқирра, изланувчан ва ўзига талабчан спортчиларимиздан бири, Белбоғли кураш бўйича бир неча бор Ўзбекистон, Жаҳон чемпиони, кўплаб халқро турнирлар совриндори Акмал Нурматовдир.



Тошкент вилоятининг Паркент туманида туғилган ёш чемпион спортнинг Белбоғли кураш тури билан ўн икки ёшидан бошлаб шуғулланади. Ўз устидан тинмай меҳнат қилиб, устозларидан спортнинг сирасорларини пухта ўзлаштирган А.Нурматов 2007-2009 йилларда уч марта Ўзбекистон чемпиони, 2008 йилда Москва шаҳрида Белбоғли кураш бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган 60 кг. вазн тоифасида Жаҳон чемпионати ғолиби бўлди.

Спорт бу — беллашув. Бунда асосан жисмоний, ҳам руҳий тайёргарлик ўта муҳим саналади. Шу боис, ёш полвон ўз устидан ишлашни бир зум бўлса-да, тўхатмай келмоқда. Эътиборлиси шундаки, ҳали ёш бўлишига қарамаддан, ўзининг бир қатор шогирдларига эга. У ҳозир Республика Олимпия захиралари коллежида мураббийлик қилиб келмоқда. Ўз издошларига мураббийларидан ўрганган Белбоғли кураш сирасорларини, қолаверса, рақибдан устун келиш учун тинмай меҳнат қилишни, уларни ҳалоллик, адолатчилик, ўзаро ҳурмат,

бағрикенглик, мақсад сари фақат олға интилишни ўргатиб келаётир.

Дарвоқе, истиқлолимиз тенгдоши, ёш чемпион Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси ҳамдир.

— Спортда ҳалоллик, адолатчилик доимо асосий мезон бўлиши керак, — дейди у. — Азалдан ота-боболаримиз ҳалол курашиб келган, гирромлик уят ҳисобланган. Спортчи муваффақиятга ўз кучи, иродаси ва меҳнати тўғайли эришса, галаба татийди, бошини банд кўтариб юради. Бугун фахр билан айтишимиз мумкинки, нафақат спорт соҳасида, балки, ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида бошимизни банд кўтариб юришга арзиғулик муваффақиятларга эришмоқдамиз. Мамлакатимизда кечаётган демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида биз спортчилар ҳам фаол иштирок этишимиз керак, деб ўйлайман. Шу нуқтаи назардан ўзимнинг сиёсий фаоллигимни кўрсатиш мақсадида «Адолат» — ҳаётимизнинг бош мезони» дея юксак инсонпарварлик

шиорини илгари суриб келаятган «Адолат» СДПга аъзо бўлдим. Партия дастури билан танишганимда, ҳаётий қарашларим билан ҳамоханг эканлигини англадим. Келажакда ушбу шiorга амал қилиб яшашни, адолат ҳаётимнинг бош мезонига айланишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Албатта, ҳеч бир муваффақиятга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун эса катта эътибор ва ғарбли шарт-шароит лозим. Фақат шу орқали ҳар қандай одам ўз кўнглидаги эзгу орзу-ниятларни, мақсадлари рўйини кўриши мумкин. Мамлакатимизда барча соҳалар қатори спортнинг ривожини учун ҳам давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай юксак эътибор тўғайли вакилларимиз нуфузли халқро мусобақалар, Жаҳон ва Осиё чемпионатларида юқори погоналарни эгаллаб, юртимиз шаарафини улуғламолдар.

Ишончимиз комилки, жасур ва мард ёшларимиз бундан бун ҳам мамлакатимиз спорти довуғини дунёга ёйишда давом этаверади.

Фахрий полвонлар — эъзозда

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Polvонlar Milliy Ensiklopediyasi» жамияти ташаббусида қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда Хотира ва кадрлаш кунига бағишлаб, «Ўзбекистонда фахрий полвонларни эъзозлаш, эслаш ва улуғлаш орқали ўсиб келаятган ёш авлод қалбида Ватанга садоқат, ўзига ишонч ва спортга бўлган муҳаб-

бат туйғуларини мустаҳкамлаш» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, спортнинг яққаураш тури билан шуғулланиб, мамлакатимиз шаарафини халқро аренада муносиб ҳимоя қилган ва қилаётган фахрий полвонлар ҳақида маълумотлар тўплаш, чоп этиш ва уларни ёш авлод онгига етказишдир.

Шунингдек, ёшларимизни

ватанпарварлик, ўз юртига содиқлик руҳида тарбиялаш, спортга кенг жалб қилиш мақсадида Республика умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида «Ёш полвонлар» тўғараклари, «Сиз полвонларингизни биласизми?», «Фахрий полвонлар бурчаги» деган тадбирларни ташкиллаштиришга ҳам келишиб олинди.

Ўзбекистон — биз сенинг фарзандларингиз!

Ягона оилада

Фармула МУРОДОВА, «Adolat» мухбири.

Ўзбекистон — кўп миллатли мамлакат. Бугун унинг ҳудудида 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Мустақилликнинг илк йилларида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликка, Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча фуқароларнинг бирлиги ва ҳамжihatлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган миллий сиёсат ишлаб чиқилди ва у ҳаётга, амалиётга кенг жорий этилди.

Бугунги кунда республика-мизда 10 мингдан ортиқ немис миллатига мансуб фуқаролар яшайди. Барча миллат ва элат вакиллари қатори улар ҳам Ўзбекистон Конституцияси ва мустақил давлатимиз қонунарида белгилаб қўйилган тенг ҳуқуқчилик ҳамда им-

тиёзли имкониятлардан фойдаланиб, тотувлик ва ҳамжihatликда умргузаронлик қилмоқдалар. Бу йил республика-мизда немис миллий маданият маркази фаолият юритаётганига 20 йил тўлди. Ушбу марказнинг Самарқанд, Бухоро, Фарғона ви-

лоятларида ҳам минтақавий бўлимлари мавжудлигининг ўзиёқ мамлакатимизда камсонли миллатларга бўлган эътибордан ёрқин далolat.

— Миллий маданият марказимиз ва унинг ҳудудий бўлимлари қошида театр, рақс тўғараклари ташкил этилган бўлиб, уларда ўзбек ҳамда немис ёзувчилари асарлари немис тилида сахналарга олиб чиқилмоқда, — дейди Республика немис миллий-маданият маркази раҳбари Мария Реек.

— Бу ерда, немис халқи, унинг тарихи, Ўзбекистонда яшаб келаятган ушбу миллат вакиллари-нинг ҳаёти, фаолияти ҳақида тез-тез конференциялар, семинарлар ташкил этилади. — Ҳозир Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Республика Байналмилал маданият маркази раҳбарлигида ўтказилаётган «Немис тилида сўзлашувчи ижодкор театрлар»

фестивалига тайёргарлик жараёни кечмоқда. Айни кезде минтақавий бўлимларимизда «Ўзбекистон — умумий уйимиз» фестивалига ҳозирлик кўриш ҳам бошланди. Қисқаси, марказимиз республикада фаолият олиб бораётган бошқа миллатлар миллий маданият марказлари билан бирга йил давомида ўтказиладиган байрамлар ва маданият маърифий тадбирларда фаол иштирок этади.

Марказ томонидан ҳар йили немис халқининг анъанавий «Фашунг», яъни баҳор байрами кенг нишонланади. Бу ва мамлакатимизда ўтказилаётган бошқа бир қатор байрам тантаналарида «Огент Штерн» («Ёшлик юлдузлари») рақс жамоасининг чиқишлари ҳам алоҳида мақтовга молик.

Илья Иляшенко Чилонзор туманидаги кулинария (қандолатчилик) коллежининг 1-курс талабаси. У ҳар кун дарсдан сўнг ўз вақтини немис миллий-маданият марказида ўтказди.

— Менга бу ер жуда ёқди, — дейди у. — Шу ердаги театр тўғарагига қатнашаман. Бўш пайларим марказнинг компьютер клубида техника сирларини ўрганаёман...

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда 150 га яқин миллий-маданият марказлар ташкил этилган ва ушбу миллат ҳамда элат вакиллари ягона оилада аҳил, иноқ яшаётгани ҳуқуқимиз олиб бораётган оқилона сиёсатнинг ёрқин намунасидир. Давлатимиз раҳбари айтганидек: **«Биз бугун эришган энг катта бойлигимиз — халқимиз ақл заковати, унинг танлаган йўлимизга ишончи, мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик, фуқаролар тотувлиги, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигидир».**



Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги 200-умумтаълим мактаби томонидан Наргиза Валиева номига берилган №532342 рақамли шахолатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Азия вазирилик томонидан 1996 йил 31 октябрда «VETERAN» бирлашмасига берилган №211 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Қашқадарь вилоят Кенгаши раиси Абдуқаҳҳор Аҳмедовга опаси

Рўйб мого АХМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг 2011 йил 20 апрель сонисидаги «Аска банк» ОАЖ омонатига хизматлар лицензияланган деб ўқилсин.

ADOLAT ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Тажриб ҳайати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмолта САИФНАЗАРОВА, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Икбол МИРЗО, Мамлазир ХУҶАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Раъшан ҲАЙДАРОВ, Талғат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Тажриб маъноси: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ-400. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бинчиси А-2. Адади — 6945. Босишга топшириш вақти — 20.35. Босишга топширилди — 22.45.

НАШР КўРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2011-5217

1 2 3 5